ЎзССР Давлат китоб палатаси
Ко
Гос. книжная палата УзССР

Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг газетаси

4 МАРТ, ПАЙШАНБА
№ 44 (549).
1993 йил.
Сотувда эркин нархда.

НАВРЎЗ КЕЛАР БИЗНИ СЎРОҚЛАБ...

Она юртимиз катта шодиёна арафасида турибди. Не-не синовлардан ўтган, лекин ҳеч қачон қадди дол бўлмаган, бирор ғаним асиру банди қила олмаган Наврўзимиз эшик қоқиб келяпти. Бутун мамлакат, жамики одамлар уни қучоқ очиб қаршилаш тараддудида. Бошқа мутасадди ташкилотлар қатори республика Маданият ишлари вазирлиги, унинг жойлардаги идоралари ҳам арафа кунларига тайёргарликни қизитиб юборишди.

— Наврўзнинг кун билан тун тенг келадиган дамлардан бошланишида рамзий маъно борга ўхшайди, — дейди республика Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Н. Иброҳимова. — Тенгликка нима етсин! Бир асрдан кўпроқ давр мобайнида ота-боболаримиз ҳам, уларнинг фарзандлари, набира-ю эваралари ҳам тенглик ҳуморида яшаб, дориламон замон умиди билан нафас олишди. Не бахтки, бизга шундай замон насиб этди. Мустақиллигимизнинг иккинчи баҳорини нишонлаяпмиз. Биз Наврўзни нишонлаш режаларимизда худди ана шу бахт, ана шу шодиёналарга алоҳида урғу берамиз.

— Байрам арафасида, айниқса Наврўз нишонланаётган кунларда қандай тадбирлар амалга оширилади?

— Агар аҳамият берган бўлсангиз, Анҳор соҳилида, Мустақиллик майдони рўбарўсида муҳташам бино қад кўтарди, шу кунларда у ерда ишлар айниқса авж олиб кетди. Халқимиз пойдевор қўйилиши биланоқ бу бинони «Наврўз» биноси деб атай бошлаган эди. Давлатимиз мавжуд иқтисодий қийинчиликларга қарамай, мазкур санъат кошонаси тезроқ қуриб битказилиши учун ҳамма имкониятни яратиб берди. Кошона Наврўз куни тантанали очилади. Байрам сайиллари Мустақиллик майдонидан бошланиб, «Наврўз» театри биноси олдидаги фаввоpалар отилиб турган майдонда давом эттирилади. Мингга яқин томошабин сиғадиган залда санъат усталари билан ёш ижодкорларнинг катта концерти бўлади.

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги, Ҳадра, театр майдонларида, барча туман марказларида, маҳаллаларда ҳам байрам шодиёналари ўтказилади. Театрлар пойтахтнинг ҳар бир туманида фаолият кўрсатаётган ташкилий қўмита аъзолари билан ҳамкорликда саккизўн дақиқали томошалар уюштирадилар. Бу томошаларда ҳар бир тумандан тўқсон-юз киши қатнашади. Шундан кейин улар Халқлар дўстлиги майдонида катта тамоша қўйиб берадилар. Уларда концерт ташкилотларининг жамоалари, бадиий ҳаваскорлик ҳамда фольклор дасталари ҳам қатнашадилар.

Бу йилги Наврўз сайили аввалгиларидан шуниси билан фарқ қиладики, у ўн кун давом этади.

— Наврўз ҳар бир хонадонга, ўлкамизнинг исталган гўшасига кириб боради. Ҳамма ернинг ўзига хос удуми, анъаналари бор...

— Байрам режалари тузилаётганида жойлардан тушган таклифлар ҳисобга олинди. Мамлакатимизда ўтказилажак тадбирларда 33 давлат театри, еттита филармониядан қарийб 30 та жамоа, давлат эстрада бирлашмасига қарашли 20 дан ортиқ концерт дасталари, «Баҳор» давлат рақс дастаси, ўн мингдан кўпроқ ҳаваскорлар, халқ жамоаси фахрий унвонига сазовор бўлган 260 дан ортиқ даста меҳнаткашлар ҳузурида ўз санъатларини намойиш этадилар. Буларнинг ёнига дорбозлар, аскиячилар, бахшиларни ҳам қўшадиган бўлсак, биз орзиқиб кутаётган Наврўзи олам қандай миқёс касб этишини, у нақадар қувончли бўлишини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин.

Бундан ташқари, бизнинг буюртмамиз билан хилма-хил саҳна асарлари ёзилди. С. Сирожиддиновнинг «Маҳаллада тўй», М. Бобоевнинг «Келди Наврўзи олам — кулди Ўзбекистон ҳам», Ҳ. Расулнинг «Наврўз айёми» сингари асарлари асосида томошалар тайёрланмоқда. Буюртма асосида ёзилган асарларни кўпайтириб, байрамда фойдаланиш учун жойларга юбордик. Хуллас, мукаммал режалар тузилган. Ҳамма гап уларни кўнгилдагидек амалга оширишда қолди.

— Наврўзни шартли тарзда иккига ажратиш мумкин: меҳнатнинг бошланиши ҳамда халқ шодиёнаси. Биз сиз билан шодиёналар ҳақида суҳбатлашдик...

— Дарвоқе, 13—14 март кунлари барча маданият ва санъат муассасаларида шанбалик ўтказилади. Ходимларимиз 250 минг тупдан кўпроқ кўчат ўтказадилар, уларнинг 150 минг тупга яқини гул кўчатларидир. Маросим ўтказиладиган майдонлар, кўчалар ва ҳиёбонлар, ариқлар тозаланади. Безакчи рассомлар Наврўзни шарафловчи шиорлар тайёрлашади, шаҳар ва қишлоқларимизни безатишади.

Наврўз — дўстлик ва иноқлик байрами. Қардошлик алоқаларимизни мустаҳкамлаш ниятида Наврўз тантаналарида Марказий Осиё мамлакатларидан меҳмонлар ҳам қатнашадилар. Қашқадарёга — чоржўйлик, Хоразмга — тошҳовузлик, Андижонга — ўшлик, Тошкентга — чимкентлик, Фарғонага — ҳўжандлик қардошларимиз таклиф этилганлар.

Вазирлигимиз муассасаларининг жамоалари ҳайрия тадбирларида ҳам фаол қатнашиш истагини билдирдилар. Автобазамиз, маданий моллар базаси, қурилиш-таъмирлаш бошқармаси ишчи ва хизматчилари 14 март куни шанбалик ўтказиб, ундан тушган маблағни «Наврўз-93» меҳрмурувват жамғармасига топширадилар.

Б. АБДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

ОЛТИН ОЛМА— ДУО ОЛ!

Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ қийин шароитда аҳолининг эҳтиёжманд табақаларини ижтимоий ҳимоялашга катта аҳамият бермоқда. Нарх-наво ўсишига мутаносиб тарзда кексалик пенсиялари ва бошқа турдаги нафақалар миқдори ҳам оширилмоқда.

Хўш, пенсия ва нафақалар вақтида етказиб бериляптими?

Республика Прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси Тошкент шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда ана шу саволлар доирасида матбуот орқали жамоатчилик фикрини ўрганди.

— Қисқа фурсатда фуқаролардан 170 дан кўпроқ хат ва шикоят олинди, — дейди бошқарма прокурори С. Ортиқова. — Уларнинг аксариятида пойтахт туманлари ижтимоий таъминот бўлимларидаги айрим инспекторларнинг бепарволиги оқибатида пенсия ва купонлар вақтида етказиб берилмаётгани ёзилган. Масалан, биринчи гуруҳ ногиронни К. Титова Яккасарой тумани ижтимоий таъминот бўлими инспектори Ф. Ёрқуловнинг лоқайдлиги натижасида нафақаси оширилмай қолгани ҳақида шикоят қилган. Текширув натижасида шикоятнинг тўғрилиги тасдиқланди. К. Титовага қўшимча 4474 сўм тўланди. Ф. Ёрқуловга қаттиқ ҳайфсан берилди.

Бу билан биз ижтимоий таъминот соҳасидаги кўп сонли ходимларнинг фаолиятини камситмоқчи эмасмиз. Холисона айтадиган бўлсак, бу осон иш эмас.

Бироқ излаган имкон топади, дейди халқимиз. Айниқса, ҳозирги оғир иқтисодий шароитда эҳтиёжмандларнинг дилини оғритмай, жонига ора кириш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Абдумажид АЗИМ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан В. Й. Отаев шу йил 26 февралда Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазири этиб тайинланганди.

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТНОМА: Валерий Йўлдошевич Отаев 1948 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1964 йилда шаҳар электрлаштириш идорасида электромонтёрликдан бошлади. Кейин Тошкент политехника олийгоҳига ўқишга кириб, уни 1971 йилда тугаллади. Мутахассислиги муҳандис-электромеханик. 1971-78 йиллар — Ўзбекистон энергетика ва электрлаштириш вазирлигида муҳандис, катта муҳандис, 1978-81 йиллар мобайнида техника хавфсизлиги хизмати бошлиғининг ўринбосари лавозимларида ишлади. 1981 йилдан Тошкент электр тармоқлари корхонасида бош муҳандис, 1988 йилдан эса директор сифатида фаолият кўрсатди.

«ЭНЕРГЕТИКА—ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ»

— Валерий Йўлдошевич, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси ҳамда муштарийлари номидан қутлаймиз. Меҳнат фаолиятингиздаги бундай ўзгаришга муносабатингизни билмоқчийдик.

— Қутловингиз учун раҳмат. Бу, мен учун кутилмаган воқеа бўлди. Агар ҳаяжонланиш дамлари зоҳир бўлган бўлса, у тезда ўтиб кетди. Чунки, биринчидан, ишга киришишим керак эди. Иккинчидан, мен энергетикада 20 йилдан кўпроқ вақтдан буён меҳнат қиламан. Соҳанинг ипидан игнасигача менга таниш. Меҳнат фаолиятимни электромонтёрликдан бошлаганман-да. Жамоага келсак, бу ерда ишловчи ҳар бир ходимни яхши биламан. Айниқса, Тошкент электр тармоқлари корхонасида бош муҳандис ва директор бўлиб ишлаган кезларимда улар билан яхши танишишга улгурганман.

— Зиммангиздаги масъулият ҳисси ва иш кўлами бир неча ҳисса ортганлиги рост. Нима деб ўйлайсиз, вазирлик олдида турган улуғвор вазифаларни рўёбга чиқариш осонми ё қийин?

— Ву ҳақда яхшиси ярим йилдан кейин гаплашсак.

— Айни кунларда жумҳуриятнинг энергетика имкониятлари қандай?

— 11 миллион киловатт қувватга эга бўлган 37 та иссиқлик ва гидроэлектр станцияси ишлаб турибди. Улар халқ хўжалигининг барча тармоқларига хизмат кўрсатмоқда.

— Шўро даврида ҳаммага ёд бўлиб кетган «Социализм — бу совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштиришдир» иборасининг ҳукмрон эди. Сиз ҳозирги кунда электрлаштиришнинг аҳамиятини қандай таърифлаган бўлардингиз?

— Энергетика — халқ хўжалигининг таянч нуқтаси. Бошқача айтганда, у барча тармоқларни боғлаб турувчи бош халқадир. Энергетика халқ хўжалиги эҳтиёжини таъминлаши ва унинг ривожланишига хизмат қилиши керак. Шу боис у ягона давлат тизимидан иборат бўлмоғи лозим.

— Демак, сиз ягона энергетика тизими тарафдорисиз!

— Собиқ СССРда энергетика кам учрайдиган соҳа ҳисобланарди. Ҳозир кўп нарсалар ўзгарди. МДҲнинг бошқа мамлакатларини билмадиму, аммо Марказий Осиё жумҳуриятларининг ягона энергетика тармоғи мавжуд.

— Хусусийлаштиришга сизнинг муносабатингиз!

— Энергетика асосий тармоқ бўлгани учун унга хусусийлаштиришнинг даҳли йўқ. Бу ягона давлат структураси.

— Нарх-навонинг ошиши натижасида сиз раҳбарлик қилаётган тармоқ ҳам иқтисодий алоқаларнинг узилиши каби ҳолатлардан ҳали бўлмагандир!

— Бу бизнинг энг оғриқли муаммомиз. Чунки ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 90 фоизини иссиқлик электростанциялари беради. Харажатларнинг 70 фоизи эса ёқилғилар учун сарфланади. Шунинг учун ҳам электр нархининг ошиши ёнилғи нархининг ўсишига боғлиқ. Жорий йилда бу соҳадаги режа ва мақсадларни амалга ошириш учун 70 миллиард сўм харжлаш мўлжалланган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бизда электр энергияси нархининг ошиш даражаси ёнилғига қараганда анча паст. Маълумки, шу йилнинг январь ойидан бошлаб ёнилғи ва ускуналар, техник жиҳозларнинг нархи бирданига кўтарилиб кетди. Шундай бўлгада, энергетиклар биринчи кварталда электр нархини оширмасликка қарор қилдилар. Ҳаммага маълумки, бир киловатт соат электр қуввати учун истеъмолчилар 40 тийин тўлашади. Аслида унинг ўртача нархи 2 сўм 32 тийинни ташкил этади.

— Бундан кўринадики, 40 тийинлик нарх вақтинча экан-да! Келажакда яна нималар кутилмоқда!

— Бу табиий ҳол. Ёнилғининг нархи ошиши билан электр қувватининг нархи ҳам ўз-ўзидан оширилади. Кўраяпмизки, транспортда ҳам шундай ҳолат рўй бермоқда. Афсуски, иккинчи кварталдан бошлаб электр нархининг ошиши кутилмоқда. Такроран айтаманки, бу шароит тақазосидир. Бунинг устига 1993 йилдан бошлаб бизнинг асосий объектларимиз учун сарфланадиган харажатлар учун давлат бюджетидан пул ажратилмайди. Биз энди ўз маблағларимиз эвазига фаолият кўрсатишимиз керак. Ахир биз бир жойда туриб қолмаймиз-ку, энергетикани ривожлантиришимиз, қурилиш ишларини олиб боришимиз керак.

— Бизда катта энергетик қурилишлар олиб бориляптими!

— Ҳа. Бу асосан Талимаржон ГРЭСидир. Ҳар бири 800 меговатт қувватга эга бўлган 4 та блокнинг ҳаммасини 2001—2005 йилларгача ишга тушириш режалаштирилган. Бу йил эса Янгиангрен ГРЭСининг 300 меговатт қувватга эга еттинчи блоки ишга тушириладди. Бу йил ҳаммаси бўлиб 15,5 миллиард сўмлик иш бажаришимиз зарур.

— Келажакдаги режалар қандай!

— Яқинда, аниқроғи, 1992 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон энергетикасини ривожлантиришнинг 2010 йилгача бўлган концепцияси ишлаб чиқилди. Унинг асосий ўзаги — энергетикани техник қайта қуроллантириш, эски қурилмаларни янгилаш, янги технологияларни жорий этиш, иссиқлик электростанцияларининг атроф-муҳитга зararини камайтириш, улкан қувватли электр ишлаб чиқаришга эришишдан иборат. Биз ана шу концепцияга суяниб иш кўрамиз.

— Суҳбатингиз учун раҳмат. Сизга янги ва масъулиятли ишингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Суҳбатдош:
В. ЗИМЕНКО.





СУРАТЛАРДА: Театр биноси ичини безаш ишлари олиб борилаётган пайт.

БАЙРАМГА СОВҒА

Тошкентнинг марказида янги «Наврўз» театрини барпо этаётган қурувчилар кечаю-кундуз ишлай бошладилар. Уни очиш 21 март кунига белгиланган. Худди шу куни бу ерда Наврўзга бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтади.

Театр биноси ҳозир ҳавозалар билан қуршалган бўлишига қарамай, бу кошонанинг қурилиш ва пардозлаш ишларидан кейин қандай бўлишини ҳозирнинг ўзидаёқ тасаввур этиш мумкин. Бинога беш босқичдаги пиллапоялардан чиқилади. Уларнинг ўртасида катта фаввора отилиб туради. Бинонинг ўзи катта устунларга таянган бўлиб, улар мармар билан қопланган.

Мармар ва травертин билан безатилган думалоқ ва чорбурчак устунлар театр пештоқини ушлаб туради, улар улкан пешайвон меъморлигига уйғунлашган. Остига эса тўқ кўк рангдаги гилам қоплама тўшалади. Бундай тўшама Бельгиядан махсус харид қилинган. Баланд шифтда айланаси икки метрча келадиган бир неча безаклар бор, улар энди очилган оқ гулни эслатади. Бу гулларга қандиллар ўрнатилади. «Еритувчи тўлқин» саройни қўшимча ёритиб, унинг ҳуснига ҳусн бағишлайди: шипга мустаҳкамланган ойнада липиллаб турадиган жуда кўп чироқлар акс этади.

Иккинчи қаватга иккига ажраладиган зинадан кўтарилади. Бу ерда ўймакор ганч ромларда улкан думалоқ ойналар ўрнатилган. Томоша залининг юқори қаватларига шу ердан чиқилади. Зал 900 нафар томошабинга мўлжалланган бўлиб, ўринлар саҳнага мумкин қадар яқинлаштирилган.

— Бинонинг театрга мўлжалланган унинг лойиҳаси хусусиятларини белгилаб берган, — дейди лойиҳа муаллифларидан бири М. А. Сиротинская. — Лойиҳани тайёрлаш чоғида меъмор Ю. А. Халдеев билан биргаликда томошабинларнинг актёрлар билан мулоқоти учун энг қулай шароит яратишга, бу театрга келувчилар ҳақиқий санъатдан баҳраманд бўлишларига меъморлик воситалари билан ёрдам бериш зарурлигига асосландик.

Ишни меъморлардан Тошкент қурилиш бош бошқармаси ҳамда «Ташспецотделстрой» трестининг бўлинмалари қабул қилиб олди. Бу ерда энг яхши усталар ишлашмоқда. Иш конвейери бир дақиқа ҳам тўхтамайди: қурувчилар ишни битказган жойга шу заҳоти пардозчилар келишмоқда. Байрамгача уч ҳафтадан камроқ вақт қолди. Шу сабабли бу ерда одамлар алоҳида кўтаринкилик билан меҳнат қилиб, минглаб тошкентликларга ва Ўзбекистон пойтахти меҳмонларига байрам совғаси тайёрламоқдалар. Наврўз куни очиладиган янги театр биноси бутун тошкентликлар учун байрам совғасидир.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

• «Халқ сўзи» таништиради •

Шу йил 25 февралда, Ўзбекистон Республикаси Уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашининг пленумида Б. Раҳимов Кенгаш раиси этиб сайланганди.

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТНОМА: Бектош Раҳимович Раҳимов 1924 йилда Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида таваллуд топди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. Ҳарбий хизматдан озод бўлгандан сўнг мактабда ўқитувчилик қилди. Совет ва партиявий ишнинг ҳамма поғоналарини босиб ўтди: райижроқўм раисининг муовини, Тошкент олий партия мактаби тингловчиси, шу ўқув муассасасининг муаллими, Ўзбекистон Компартияси МҚ масъул ташкилотчиси, райқўм котиби, Хоразм, Андижон, Самарқанд вилоятлари партия қўмиталарининг биринчи котиби, Жумҳурият Вазирлар Кенгаши раисининг муовини, 1985 йилдан пенсияда.

ҲАР БИР ФАХРИЙНИНГ КЎНГЛИНИ ОЛАМИЗ

— Бектош Раҳимович, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг кўп сонли муштарийлари номидан Сизни Жумҳурият уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси этиб сайланганингиз билан табриклаймиз. Ўйлаймизки, фахрийларимиз ўзларига раис танлашда янглишмадилар...

— Самимий табригингиз, илиқ сўзларингиз учун ташаккур. Шуни айтишим керакки, мени сизнинг газетангиз билан боғлайдиган алоқалар илдизи анча чуқур. «Халқ сўзи»да жумҳуриятнинг кўпгина етакчи журналистлари ишлашади, мен улар билан турли йилларда учрашиб, мулоқотда бўлганман. Имоним комилки, бизнинг самарали ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам давом этади. Энди биз бирга-лашиб кекса авлод вакиллари — уруш ва меҳнат фахрийларини тақдир зарбаларидан ҳимоя қилишимиз ёки имкониятимиз борича асрашимиз керак.

Келинг, аввал аниқлаб олайлик: нима учун айрим фахрийлар маънавий қийналмоқдалар? Балки, жойларда баъзан улар дардига ҳеч ким қулоқ солмаётгани, «қарилик гаштини суришаяпти» дея бепарво бўлишаётгани туфайлидир. Аслидачи? Фахрийларимиз қайноқ ижтимоий ҳаёт билан ҳамнафас яшамоқдалар. Одамларнинг ғам-ташвишларидан огоҳлар, муаммоларни теран идрок этадилар, шу боис қўлларидан келганча ёрдам беришга интилмоқдалар. Чунончи, фахрийлар ташкилотлари Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижросини ўз назоратлари остига олганларидан муштарийларингизнинг хабарлари борми? Ёки халқ хўжалиги ва маданиятининг қарийб ҳамма соҳалари бўйича кенгаш комиссиясининг фаолиятидан-чи? Шундай экан, фахрийлар ташкилотига нафақахўрлар бўш вақтини ўтказадиган клуб сифатида қараш тўғри эмас, Ў хийлагина кучли ва анчамунча ишларга қодир жамоат уюшмасидир. Менинг вазифам шундан иборатки, ўзининг мавжуд куч ва имкониятларини давр талаби даражасида ишга сола олишида унга кўмаклашиш, токи бошланган ислоҳот ва янгиланишларнинг амалга оширишда ҳокимият тизимларининг ишончли ёрдамчиси бўлиб қолсин.

— Бу, айтиш мумкинки, иккиламчи вазифа, аммо ташкилотнинг бирламчи вазифаси-чи?

— Ҳозир кенгашимиз деярли 2,5 миллион кишини ўз сафига бирлаштирган. Шундан юз мингга яқини уруш фахрийлари ва ногиронларидир. Рўй-рост айтмоқ керакки, улар ҳаётини енгиллаштириш учун жумҳуриятимизда кўп ишлар қилинди. Масалан, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан собиқ Иттифоқдаги собиқ жумҳуриятларга нисбатан бизда фахрийлар пенсия билан яхшироқ таъминланганлар. Ҳозир олдимизда уруш пайтида фронт ортидаги ғалабамизни таъминлаган меҳнат фахрийларимиз сонини аниқлаш вазифаси турибди. Бу шунинг учун ҳам керакки, биз улар оладиган пенсия миқдорини уруш қатнашчиларинки даражасига кўтаришимиз керак... Бошқа муҳим масалалар ҳам бор. Икир-чикирларга берилиб ўтирмай айтаманки, бу масалаларнинг ҳаммаси ҳал бўлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг, ҳукуматимизнинг энг камбағал аҳоли қатламини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган сиёсати бунинг гаровидир. Биз эса бу сиёсатни амалга оширишда иштирок этиб, ҳар бир фахрийнинг кўнглини овлашимиз керак.

— Сизга ва Сиз бошқараётган ташкилотга бу хайрли ишларда муваффақиятлар ёр бўлсин!

— Раҳмат.

Суҳбатдош:
А. ЙЎЛДОШЕВ.

• *Янги нашр*

МОСКВАДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ»

Мамлакатимизнинг бугунги куни, унинг ўзига хос тараққиёт йўли ва бу ердаги туб ўзгаришларга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Москвада ана шулар ҳақида ҳикоя қилувчи «Ўзбекистон Республикаси» ахборот бюллетенининг биринчи сони босмадан чиқди. Уни Узбекистоннинг Россия Федерациясидаги элчихонаси нашр этди.

Бу янги ойлик нашрнинг асосий мақсади — республикамизда амалга оширилаётган сиёсий иқтисодий ислоҳотлар, воқеа ва ҳодисалар ҳақида ўқувчиларга тўлиқ, ҳаққоний ахборот бериб боришдан иборат.

Бюллетеннинг илк сони Президент Ислом Каримовнинг жумҳуриятимизнинг бугунги куни, келажаги, ички ва ташқи сиёсати ҳақида тўла ва ёрқин тасаввур берувчи «Тикланиш ва тараққиётнинг ўзига хос йўли» номли мақоласи билан очилади.

Ўқувчи ундан Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи, тамғаси, мадҳияси, табиий-жуғрофий шароити, аҳолисининг миллий состави, иқтисоди, ташқи алоқалари ҳақида батафсил маълумот ола билади.

Бюллетеннинг ижтимоий-маданий тараққиёт бўлимида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш, таълим тарбия сифатини яхшилаш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатида устивор жиҳатлардан бири эканлигига эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини дунё жамоатчилиги фаол қўллаб қувватлади. Унинг дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши мақсадида олиб бораётган ўзига хос йўли ва дастури туфайли ҳам халқаро майдондаги обрў-эътибори сезиларли даражада ортди.

«Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига хизмат қилувчи кўп қиррали ташқи сиёсатни амалга ошириш — давлатимизни мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмуш шароитини яхшилашнинг муҳим омили ва зарур шартларидан биридир» — дея таъкидлайди И. А. Каримов.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида халқаро ҳуқуқнинг субъекти ўлароқ, мустақил ташқи сиёсатни амалга ошириб келмоқда. Ойноманинг ташқи сиёсат бўлимида бу ҳақда батафсил ҳикоя қилинади. Шу ўринда мустақил жумҳуриятимиз ташқи сиёсатининг асосий принципларига ҳам кенг ўрин берилган.

Ўзбекистон —Россия бўлими тўлиғича иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар ва ўзаро муносабатларни ривожлантиришга бағишланган. Унда И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли китобидан бир қанча парчалар келтирилган. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг 1993 йилги иқтисодий-савдо алоқаларига, ўзаро иқтисодий муаммоларига ҳам алоҳида бўлим ажратилган.

Булардан ташқари, бюллетендан «Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари тўғрисида»ги Қонундан парчалар, хорижий фуқароларнинг республикада бўлиши ҳақидаги вақтинчалик тартиблар эълон қилинган.

«Ўзбекистон Республикаси» ахборот бюллетенининг кўп минг кишилик ўқувчилари унинг ҳар бир сонидан Ўзбекистон ҳаётига доир зарур, энг сўнги янгиликларни топа олади. Бюллетен асосан Россия ҳукумати ва чет эл оммавий ахборот воситалари, агентликлари, дипломатик ваколатхоналари учун мўлжалланган.

Ф. ПАРПИЕВ.

«ХАЛҚ СЎЗИ» АРАЛАШГАЧ

ТАЛАБ ҚОНДИРИЛДИ

ДЕЯ ИШОНТИРАДИ ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ

1992 йилнинг 18 ноябрида Қашқадарё вилоят, Баҳористон районидаги 25-сонли давлат хўжалигида истиқомат қилувчи Н. Исматов таҳририятимизга йўллаган мактубида хўжалик билан район маркази ораси анча олис бўлишига қарамай, автобус қатнамаётгани ҳамда аҳоли учун тиббий қулайликлар мавжуд эмаслиги ҳақида ёзган эди.

Мазкур мактуб текшириш, чора кўриш учун вилоят ҳокимлигига жўнатилганди. Таҳририятимизга вилоят ҳокимининг биринчи муовини Т. Каримов имзоси билан қуйидаги мазмунда жавоб хати келди.

«Район маркази билан хўжалик аҳолисини боғловчи автобус қатнови тикланди. Район боғлиқни сақлаш бўлимига тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларини дори-дармон билан узлуксиз таъминлаш, беморларни эрталаб соат 8 дан 17 гача ётиб даволанишлари учун шароит яратиб бериш ҳамда ҳар ойда икки марта район марказий касалхонаси врачларининг қишлоққа бориб, беморларни қабул қилиши топширилди.

Шунингдек, район ҳокими ва барча ташкилот раҳбарлари меҳнаткашлар билан ҳар ойда бир марта очиқ хатлар куни ўтказадиган бўлишди».

Наврўз-93

ВОДИЙДА БАҲОР НАФАСИ

Фарғонада бу йилги «Наврўз» байрамига ҳар қачонгидан эрта ҳозирлик кўрилди. Хонадонларда сумалак, кўк сомса, чучвара сингари баҳор таомлари тайёрлаш бошланди. ЎзА мухбири Расулжон Камолов вилоят ҳокимлигида бўлиб, баҳор ва меҳр-мурувват байрамига тайёргарлик ишлари билан қизиқди.

— Аввало бу йилни аҳиллик, ҳамжиҳатлик йили, деб эълон қилдик, — деди ҳоким муовини Муҳаммадали Маҳмудов. — Вилоятимиз шаҳар ва туманларида «Наврўз» ва «Хотира» кунига тайёргарлик кўриш, уни саранжом-саришта ўтказиш мақсадида ташкилий қўмиталар тузилди. «Маҳалла» ҳайрия-саҳоват, «Наврўз», «Тинчлик ва ҳамжиҳатлик», «Болалар», «Меҳр-мурувват», «Маданият» жамғармалари кам даромадли оилаларга, фахрийларга, етим ва ногиронларга болалар уйлари ва махсус интернатларга ёрдам кўрсатиш ташаббуси билан чиқди. Шунингдек, байрам кунлари вилоят шаҳар ва қишлоқларида кексалик гаштини сураётган отахон-онахонларимизни зиёрат қилишга ҳам алоҳида аҳамият берилади.

«Наврўз» байрамини барча миллат ва элатларнинг умумхалқ байрами сифатида ўтказамиз. Шодиёна ўтадиган ҳар бир жой байрамона безатилади. Ҳозирданоқ кўчалар ва майдонлар, қишлоқ қўрғонларини кўкламзорлаштириш, янги боғлар, хиёбонлар барпо этишга киришдик. 13 март куни эса вилоятда умумхалқ шанбалигини ўтказамиз. Йиғилган маблағ ҳар бир жамоанинг ўз наврўз фондига ўтказилади. Тантаналаримизга қўшни республикалардан меҳмонлар, бадиий ҳаваскорлик жамоаларини таклиф этамиз ва ўз вакилларимизни улар ҳузурига юборамиз.

«Фарғонасавдо» ишлаб чиқариш концерни ва вилоят матбуот жамиятлари уюшмаларига 18-мартга қадар аҳолига сотиладиган меъёрдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг барча хилларини тўлиқ етказиб бериш вазифаси юклатилди. Жойларда байрам ва байрамолди ёйма бозорлари ташкил этиб, саноат моллари, мева, сабзавот маҳсулотларини сотишни уюштирамиз. Шунингдек, ҳалқ ҳунармандлари косиблар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси ва савдосини йўлга қўямиз. Театрлаштирилган концертлар, оммавий спорт ўйинлари бўлиб ўтади. Вилоят кинотеатларида Наврўз халқ байрамига бағишланган кинофильмлар, ҳужжатли ленталар намойиш этилади. Бу ишнинг дастлабки дебочаси Қўқонда бошланди. Шаҳар бадиий ҳаваскорлари иштирокида наврўзолди кўрик-танлови эълон қилинди. Бу беллашувда ғолибликни қўлга киритган энг яхши жамоалар 21 март кунги Наврўз тантаналарида иштирок этади.

ИШ ЮРИШИБ КЕТДИ

ЖИЗЗАХ механикатаъмирлаш заводида малакали ишчилар кўп-у, эҳтиёт қисмлар тақчил.

Таъминотчи ташкилот — Нижний Новгород автомобиль заводида эса эҳтиёт қисмлар тоғдек уюлиб ётибди, ишчи кучи бўлса етишмайди. Узаро шартнома асосида йиғитлардан 60 киши ўша ёққа ёрдамга жўнатилди. Эвазига етарли миқдорда эҳтиёт қисмлар келтирилди. Кўрибсизки, ҳар икки корхонада ҳам иш юришиб кетди. Тамбов металлургия заводидан ҳам керакли жиҳозлар шу йўсинда олинмоқда. Буюртмачилардан йиғилган рангли металлар Олмалиқ мис қуйиш заводига топширилиб, ўрнига олинган сим ўрамлари Қирғизистондаги турдош корхоналардан сирти сирланган (эмалли) симларга алмаштириб олиняпти.

Заводда ишлаб чиқарилаётган бетон қоргич ускуна ва ғишт блоклари тайёрлашга мўлжалланган дастгоҳлар республиканинг турли вилоятларидан металл ва тунукага, гўшт ҳамда бошқа озиқ-овқатларга айрибошланмоқда.

Ҳозирги кунда ишбилармонлар боғларда ишлатса бўладиган ғалтак аравачалар ҳамда икки ғилдиракли катта аравалар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдилар.

ЎзА мухбири.

Саида Содиқова мана ўттиз йилдирки Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-атторлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг шохобчасида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Фахрий ишчи ҳамкасблари ўртасида иззат-ҳурмат топиш билан бирга кўплаб шогирдларга устоз ҳамдир.

СУРАТДА: Саида Содиқова иш устида.

Фахриддин УМУРЗОҚОВ олган сурат.

• *Мавзуга қайтиб*

ШУНДАЙ ҚОНУНЛАР ЯРАТИЛСАКИ...

Мустақил Узбекистонимизнинг биринчи Конституцияси лойиҳаси муҳокама қилинаётганда мен бир ижодкор сифатида бу жараёнга бефарқ бўлолмаган, бир нечта мулоҳазаларим билан ўзим ишлаётган газета саҳифаларида чиқиш қилган эдим. Бугун мамнуният билан айтишим мумкинки, мен билдирган таклифларнинг асосий қисми инобатга олинди.

Жумладан, прокурор назорати ҳақида гап кетганда «олий» сўзи матндан тушириб қолдирилди. Айнан ана шундан сўнг ҳуқуқшунос олимлар Комил Синдоров ва Фурқат Шодмонов менинг фикримга қарши «Биз буни кутмагандик» сарлавҳали мақоласини эълон қилдилар («Халқ сўзи» 1992 йил 4 декабр). Мен ўша пайти: ҳозир демократия, қарши фикр билдирилса, бунинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқ, дея ўйлагандим. Аммо Зомин район Зарбдор давлат хўжалигида яшовчи муштипар она, Улбозор Тожибоеванинг йиғлаб-сиқтаб айрим тартиботчилар устидан ёзган шикоят хати мени яна эски мавзуга қайтишга, биратўла номлари юқорида зикр этилган ҳуқуқшуносларга ҳам жавоб йўллашга ундади.

Биз истаймизми, йўқми, милиция ҳам, суд органлари ҳам прокуратура билан ҳисоблашишга мажбур. Аммо прокуратура улар билан ҳар доим ҳам ҳисоблашавермайди. Улардан бир поғона устунроқ туради. Прокуратура назоратчи бўлгани учун ҳам шундай бўлиши табиий деб ҳисоблайлик. Аммо прокуратура фақат назоратчи эмас, ижрочи ҳам. Ижрочи эса (яъни тергговчи) ўз фаолиятида шаксшубҳасиз билиб-билмай хатоларга йўл қўяди ва гоҳо бу ҳам табиий жараён деб қабул қилиниб (ишлаган одам адашади-да, хом сут эмган банда ахир у ҳам!) прокурор назоратчи сифатида ўз ходими йўл қўйган хатони хаспўшлашга киришади. Ва ана шу пайтда кўпинча ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетади. Шунинг олдини олиш ниятида: «Прокуратура тергов билан шуғулланмайди» деган жумлани қонунга киритишни таклиф қилган эдим. Конституция лойиҳасини муҳокама қилиш учун Конституцион назорат қўмитаси раиси Шавкат Ўразаев Жиззахга келганда у кишига ҳам шу таклифимни айтганман. Шавкат ака: биз бу масалани ўрганаяпмиз, прокуратурадан ҳам, милициядан ҳам алоҳида турувчи мустақил тергов қўмитаси тузиш ҳақида таклифлар бор, деган эди.

Демак, менинг бу фикрим ҳам осмондан тушган эмас. Кўпларни ўйлантираяпти. Совет тузуми даврида шаклланган ҳуқуқ органларининг қонуний ифосликлари бугунги қонунларимизга кўчиб ўтмасин, дея билдирган истакларимни дастак қилиб ортиқча ҳаяжонга берилиш эса илм кишисига кўп ҳам безак бўлмайди...

Ҳолбуки, совет даври қонунларидан ўғри-талончилар кўрқмайди, «Ҳў-ув, мен қамалиб чиққанман! Мен билан ҳазиллашма!», дея кўчада керилиб юради. Одамлар ҳам «Бу қамалиб чиққан! Бу билан хазиллашиб бўлмайди!», дея пусиб туришади. Совет даври қонунига кўра қасддан одам ўлдириш билан эҳтиётсизлиги туфайли одам ўлишига сабабчи бўлиш орасида унча фарқ йўқ. Мавжуд эски қонунлар бўйича аксарият ҳолларда қасддан одам ўлдирганлар ўн-ўн икки йилдан ортиқ жазо олмаяптилар. Ва яна аксарият ҳолларда бундайлар жазони охирига қадар ўтамайдилар: афв этиладилар. Совет қонунларига кўра бировнинг мол-мулкига, хотин-қизига кўз олайтиришдан қўрқмайдилар, чунки нари борса уч-тўрт йил, «Парвона»даги Ўткурбек айтмоқчи, ўтади-кетади.

Биз — Шарқ мусулмон фарзандлари совуқ кишанларини ечиб, яна асл ҳолимизга қайтаяпмиз.

Шундай қонунлар ишлаб чиқиш керакки, биз жиноятчидан эмас, жиноятчи қонундан қўрқадиган бўлсин! Ҳозирча аҳлоқни тузатиш масканларидан қайтган одамнинг ахлоқи асло тузалиб эмас, балки бир неча ҳолларда кўзга ташланганидек, янги жиноятларга айнан ана шунақа ўтириб чиққанлар бошчилик қилмоқдалар, ёш-ёш йигитчаларни ана шулар боши берк кўчага киритиб юбормоқдалар...

Кейинги пайтларда амалиётчи ҳуқуқшуносларимиз матбуот, телевидение орқали жиноятчиларга қарши муросасиз кураш олиб бораётганларини билдирмоқдалар. Албатта, бунинг учун уларга минг раҳмат. Аммо... жиноят содир этилиш ҳоллари баъзи жойларда камаяяпти.

Шундай экан, менинг таклифим: Олий Кенгашнинг бўлғуси сессиясига қадар ана шу йўналишда қонун лойиҳасини тайёрлаб, депутатлар ҳукмига ҳавола этиш керакдир. Бу қонунни минг йиллик тарихимизни, ясоқларимизни, шариатни биладиган ҳуқуқшуносларимиз тайёрлашса, нур устига аъло нур бўларди.

А. МУҲАММАД РАСУЛ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОРХОНА ҲОМИЙЛАРИ—ҲИНДИСТОНЛИКЛАР

Ҳазорасп ип йигирув фабрикасида иш ўринлари ва дастгоҳлар сонини кўпайтириш, цехларни таъмирлаш ёки бошқа янги қувватларни ишга тушириш тадбирлари амалга оширилмаган бўлсада, корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати яқин 1—2 йилда 2—2,5 баравар ортади.

Маҳсулот ҳажмини сарфу ҳаражатсиз оширишнинг тилсими оддий. Йигириш-тозалаш агрегатларининг мурувватлари созланиб, унумли ва сифатли ишлаш даражасига етказилади, шу холос. Малакали мутахассис ва ишчи кадрлар етишмаётганлиги боис чала созланган дастгоҳлар шу пайтгача лойиҳадагидан 2—3 баравар оз маҳсулот бериб келди.

Бу хил корхоналардан фойдаланиш ҳадисини олган Ҳиндистондаги «Моде — групп» фирмасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари ўзларининг ҳазорасплик ҳамкасбларини қўллаш мақсадида шу ерга келишди. Улар айни пайтда корхонанинг барча цехларида дастгоҳларни созлаш, синаш ва тадқиқот ишларини ўтказишмоқда. Ҳиндистонлик тўқимачиларнинг саъй-ҳаракати натижасида корхона қиёфасини буткул ўзгартиради. Иқтисодий техникавий кўрсаткичлар юксак поғонага кўтарилади, ишчиларда меҳнатга янгича муносабат ҳислари уйғонади.

Фабрика 1992 йилни қарийб 1200 тонна газламабоб ип йигириш билан якунлади. Бу кўрсаткич шу йилнинг ўзида 2 минг тоннага, келгуси йил охирларида эса 4 минг тоннага етказилади. Таъмирлаш ишлари техникавий жабҳаларгагина олиб борилмайди. Ишчи хизматчиларда меҳнатга ихлос туйғуларини кучайтириш, рухий ва маънавий кайфиятни ошириш борасидаги илмий-амалий машғулотлар ҳам маҳсулот сифати ва миқдори ортишининг муҳим омилига айланади.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Илм-фан муаммолари*

ЯПОНИЯГА ЕТИШИМИЗ МУМКИНМИ?

Юксак ривожланган давлатларнинг илм-фан соҳасидаги ютуқларини эшитиб, замонавий техникаларни кўриб баъзан ҳайратланамиз. Кейин «ҳа, энди бу Япония-да! Унга етишишга йўл бўлсин», деган фикрга борасан киши. Ваҳоланки, ҳаваснимизни келтирган бу давлатлар ҳам 20 — 25 йил олдин ўзимиз қадар эканини ўйламаймиз. Наҳотки, бизда юксак тараққиёт даражасига чиқиб олиш учун илмий замин йўқ! Бор бўлса нима қилмоқ керак!

Тошкент Давлат техника университети электроника физикаси ва микроэлектроника асбоблари кафедрасининг мудири, Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, физика-математика фанлари доктори, профессор Муҳаммадкабир БАҲОДИРХОНОВ жамоатчи мухбиримиз Хўжа ЙЎЛДОШЕВ билан қилган суҳбатида ана шулар ҳақида сўз юритилади.

— Муҳаммадкабир ака, олимларнинг фикрларига қараганда собиқ Иттифоқдош республикалар бозор иқтисоднётини яратиш жараёнида XIX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган капитализмнинг илк тартибсиз босқичини босиб ўтишга мажбур эмиш. Бундай оғир шароитдан тез ва осонроқ чиқишнинг тўғри йўли илм-фан ютуқлари асосида янги техника, технологияларни яратиб, қолаверса ривожланган давлатларнинг тажрибасидан унумли фойдаланиш экан. Ўзбекистон шароити нуқтаи назаридан олганда сиз бу фикрларга қандай қарайсиз?

Илм фан — тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч, деб бекорга айтишмаган. Қаерда унга эътибор берилса ривожланиб, юксалиб боришига шароит яратилса ўша давлатнинг қудрати ҳам ошиб бораверган, фуқароларининг турмуши ҳам обод бўлган.

Энди сиз айтгандек, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишда капитализмнинг илк босқичини бошдан кечирадими, йўқми — билмадим. Ишончим комилки, XIX асрнинг иккинчи ярмидагидан Ўзбекистоннинг ҳозирги илмий-техникавий имкониятлари беқиёс каттадир. Фанларнинг айрим соҳалари бўйича ўз мактабини яратган, илмий кашфиётлари билан дунёда ҳурмат-эътибор қозонган олимларимиз бир талай. Уларнинг қаторида йирик-йирик кашфиётларни очишга интилаётган очаётган ёшларимиз канчадан-канча. Ҳозир шундай кашфиётлар, ихтиролар борки, тараққий этган давлатларнинг мутахассисларини ҳам қизиқтирмоқда.

— Ҳақиқатдан ҳам, олимларимизнинг интеллектуал даражаси катта. Собиқ Иттифоқ пайтида ҳам ўзбекистонлик олимларимизнинг илмий ишлари коинотни тадқиқ этишда қолаверса, ҳарбий техникаларнинг энг замонавий турларини яратишда ҳам муҳим роль ўйнагани маълум. Лекин ана шу илғор фан-техника ютуқлари халқнинг ҳаётини яхшилашга, мамлакат тараққиётини жадаллаштиришга негадир таъсир кўрсатмади. Гўё илм-фан ўз йўлига, ташвишларга тўла беҳаловат ҳаётимиз ўз ҳолича оқиб бораверди. Сизнингча фан ва иқтисодий-ижтимоий тараққиёт бир-бири билан ҳамоҳанг ривожланиши учун қандай тадбирларни кўриш керак?

— Маълумки, бизда фан учга бўлинган. Дастлаб ўшаларнинг илмий-моддий потенциалини бирлаштириш керак, деб ўйлайман. Қаранг, Фанлар Академиясига қарашли институтлар фундаментал тадқиқотлар билан, олий таълим фани мутахассисларни тайёрлаш билан, тармоқлардаги илмий-тадқиқот институтлари эса ишлаб чиқариш муаммолари билан банд. Улар ўртасида яқин илмий-амалий боғлиқлик деярли йўқ ҳисоби. Буларни моддий таъминлаш ҳам бошқа-бошқа соҳалардан амалга оширилади. Мустақиллик шароитида, айниқса ҳозирги иқтисодий қийинчилик пайтида бундай бўлиниш фан-техниканинг жадал ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки, ҳозирги иқтисодий аҳвол бу соҳаларга талаб даражадаги катта маблағни ажратишга имкон бермайди. Демак имкониятлардан самарали фойдаланиш йўли— юқорида таъкидлаганимдек, учала томоннинг илмий, амалий ва моддий потенциалини кооперация йўли билан ёки бошқа усулдами бирлаштиришда. Бошқача айтсам, фундаментал ва тадбиқий фанларни ривожлантириш, фан ютуқларини халқ хўжалигига тезда жорий этиш, айниқса, Ўзбекистон фан-техникасининг дунё даражасидан ўрин эгаллаши учун йирик университетларни ҳақиқий илм-фан марказига айлантириш лозим. Чунки, университетларда ҳозирги замон фанининг ҳамма соҳалари бўйича йирик мутахассис-олимлар йиғилган. Бундан ташқари университетлар бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Агар Академия институтларидаги ва тармоқ олимларининг илмий-амалий имкониятлари йирик университетлар атрофида жамланса, ҳар қандай мураккаб илмий-техникавий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш мумкин. Бунда, биринчидан, илмга ажратилган умуммаблағни мақсадли сарфлаш режалаштирилиб, илмдаги бир-бирини такрорловчи тадқиқотлар йўқолади. Маблағ аниқ илмий-техникавий натижаларга қараб, асосан, танлов бўйича тақсимланади. Илмий-тадқиқот институтларида фундаментал фанлар тадқиқоти давом эттирилиши билан бирга улардаги техника потенциали университет фани ва ўқувини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариб, халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрлашга кўмаклашади.

Йирик университетларни фан марказига айлантиришнинг яна бир муҳим томони шундан иборатки, бу ерга ҳар йили ёшлар бетиним оқиб келиб туради. Уларнинг орасида илмга чанқоқ, ўта қобилиятли, фан-техника соҳасида ўзига хос кутилмаган ажойиб ғояларни таклиф этадиган ёшлар бор. Академия институтлари эса анъанавий шаклланган, уларнинг таркиби жуда секин ва кам ўзгаради. Агар кооперация натижасида Академия институтларининг лабораторий мудирлари, йирик-йирик олимлари университетларда маълум бир курсларда машғулотлар олиб боришса, машғулот жараёнида ўз лабораториясида яратилаётган илм янгиликлари билан талабаларни таништириб борса, биринчидан, ёшларда илмга қизиқиш ортиб, тафаккур кенгаяди. Агар машғулот ўтаётган олим илмга интилаётган ёшларнинг энг қобилиятлисини танлаб уларни ўз лабораторияларига жалб қилса, бундан фанимиз ҳам, илм изловчи ёш ҳам ютади. Ҳозир олий ўқув юртларини тугатган иқтидорли ёшлар илм қиламан деб илмий-тадқиқот институтларига борганда янги муҳитга ўргангунча, мавзуни танлаб иш бошлагунча бир-икки йил ўтиб кетяпти. Бу ҳол иқтисодий қийинчилик шароитида ёшларни илмдан совутиши мумкин.

Умуман, йирик университетларни ҳақиқий илм-фан марказига айлантириб, мавжуд моддий имкониятлардан оқилона фойдаланса, Ўзбекистоннинг илмий-техника тараққиёти жадал ривожланиб кетади. Ҳатто бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хўжалик-ишлаб чиқариш муаммоларини ҳам зудлик билан очиш имкони туғилади. Оддий мисол, бизнинг техника университетимиз олим ва мутахассислари Тошкент шаҳрининг транспорт, алоқа, энергетика ва бошқа соҳаларга алоқадор муаммоларини маълум бир маблағ ҳисобига ҳал қилиб беришга қодир. Фақат ўзаро келишиб олиса, бўлди. Худди шундай ишларни вилоятларда ҳам амалга ошириш мумкин.

Кафедрамиз қошида «Фотон» бирлашмаси билан биргаликда кичик корхона очяпмиз. Тез орада талабаларимиз ўз қўллари билан халқ хўжалигига керакли бўлган ускуналарни ишлаб чиқара бошлайди. Улар ўқишдан кейин, навбат билан, маълум ойлик ҳисобига ишлаб, ўзларининг малакасини ҳам оширишади, моддий манфаатдор ҳам бўлишади.

Кечагина қолоқ мамлакат бўлган Жанубий Қуриянинг бугунги ихтиролари, техникавий ютуқлари бутун дунёни лол қолдираётган Япония билан беллашмоқда. Чунки электроника соҳасига аҳамият беришмоқда. Ҳозир бирорта жамиятни электроникасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Иқтисод ёки экономиканинг бутун даҳшатини бошдан кечириш, шаҳар ва корхоналар ер билан яксон бўлган мудҳиш шароит. Халқ аянчли аҳволдан руҳан чўкиб қолиши мумкин эди. Лекин японлар қайғуғамдан устун келиб, қийинчиликларни енгишди. Ҳар томонлама оғир шароитда таълим соҳасини тубдан қайта қуришди. Натижада ҳозирги мавқега етишди, ривожланган давлатларнинг олдинги сафидан ўрин олишди.

Олимлар таълимга ажратилган маблағ билан меҳнат унумдорлигининг ўсиши ўртасида мутлоқ боғлиқлик борлигини кўришади ва бу ердаги сабаб билан оқибат орасидаги муддат 15 йил деб ҳисоблайдилар. Бу деган сўз таълимга сарфланган ҳаражат 15 йилдан кейин ўз натижасини бера бошлайди. Демак, биз ҳам илм-фан тараққиётини олий таълим манфаатлари билан уйғун ҳолда тасаввур қилишимиз ва шу орқали тараққиётга интилишимиз керак. Агар биз ҳозирги иқтисодий қийинчиликлардан тезроқ чиқишни ўйласак, Ўзбекистон тараққиётидек умуммиллий манфаатлар йўлида барча имкониятларимизни оқилона бирлаштирган ҳолда тараққиёт локомотивини баравар тортсак мақсадимизга эришамиз.

— Домла суҳбатимиз охирида яна битта масалага тўхталиб ўтсак. Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон ўқув ва лаборатория жиҳозларини, турли илмий анжомларни марказ орқали олар эди. Ҳозир, табиийки, бу ўз-ўзидан тўхтади. Энди бу анжомларни валютага сотиб олишга тўғри келади. Ўзингиз биласиз, бусиз таълимни ҳам, илмий-тадқиқотни ҳам давом эттириб бўлмайди. Сизнингча бу муаммони қандай ҳал қилиш мумкин?

— Ҳақиқатдан ҳам илмий-ўқув анжомлари бўлмаса мактаб, техникумларда машғулот ўтказиш, олий ўқув юртларида, шунингдек илмий-тадқиқот институтларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаб, илмфан тадқиқотларини юксак даражада олиб бориш мумкин эмас. Лекин шу ускуналарни ишлаб чиқадиган завод нафақат Ўзбекистон, балки бизга қўшни бўлган республикаларда ҳам йўқ. Сиз айтгандай, уларни четдан сотиб олиш учун катта маблағ керак. Аммо ҳадеб четдан келтириш билан ўсиб бораётган талабни қондириш қийин. Шунинг учун бу асбоб-ускуналарни ишлаб чиқишни ўзимизда йўлга қўйиш лозим. Буни бажариш учун физик-технологларимиз етарли. Фанлар академиясида, олий ўқув юртларида, хусусан бизнинг техника университетимизда бу борада илмий-техникавий тадқиқотлар натижасида маълум ишлар амалга оширилган. Лекин боя айтганимиздек, фаннинг бўлак-бўлак бўлиб кетиши оқибатида бу ишлар бир-бири билан мувофиқлаштирилмаган. Агар уларни мувофиқлаштириб «Алгоритм» заводига топширилса, олим ва мутахассислар ҳамкорлигида ускуналарни ишлаб чиқаришга киришиш мумкин. Шу билан ўқув ва илмий-тадқиқот масканларини керакли ускуналар билан таъминлабгина қолмасдан, уларни Марказий Осиёдаги республикаларга ҳам сотиб, анча фойда олишимиз турган гап.

Умуман, Ўзбекистоннинг тараққий этган давлатлар каторидан ўрин олиши, халқимизнинг бой-бадавлат яшашлари учун республика фанининг имкониятлари етарли. Фақат илмий-амалий ишларимизни қонуний жиҳатдан мувофиқлаштириб бутун иқтидоримизни ишга солсак мақсадимизга етамиз.

Газетхонга маълумки, ҳозир бутун жаҳонда шарқ табобатига қизиқиш кундан кун ортиб бормоқда. Минг йиллик тажрибага эга бўлган шарқ табобати айни вақтда ҳам ўз ўрнини йўқотганича йўқ. Шу боис, 1991 йилда Сурхондарё вилояти кенгаши қарорига биноан Термизда шарқ табобати маркази очилди. Уни етук мутахассис, фахрий академик Муҳиддин Умаров, врач Акрам Пирматов ҳамда Эсон Тошалиев бошқармоқдалар.

СУРАТЛАРДА: врач Акрам Пирматов беморга ташҳис қўймоқда. Врач Эсон Тошалиев ва дорихона мудири Агамурод Исаков дориворларни текширмоқда.

Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим

УЛКАМИЗДА ҲАЛИ КЎПЧИЛИК УЧУН НОМАЪЛУМ ЕДГОРЛИКЛАР ҲАМ МАВЖУД. ҚУЙИДА УЛАРДАН БИРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ.

«ЗОҲИР ИЛМИДА ОНДИН ОЛИМРОҚ ЙЎҚ ЭРМИШ...»

НУРОБОД РАЙОНИДАГИ ОСТОНА БОБО МАҚБАРАСИ ҲАҚИДА

Агар сиз Самарқанддан Қарши томон сафарга чиқсангиз, йўлингиз Нуробод тумани бўйлаб давом этади. Унинг тоғ тарафида бир қишлоқ жойлашган бўлиб, у Остона бобо деб аталади. Унинг шарқида Ингичка шаҳарчаси сўнг эса — машҳур Каттақўрғон. У бош йўллардан анча ичкарида жойлашган. Аҳолиси унчалик кўп эмас. Аммо бу кичкина қишлоқнинг номи жуда кўп тилга олинади, унга турли вилоят ва районлардан зиёратчилар ташриф буюрадилар. Бунинг сири нимада деган савол бизни ҳам анчадан бери қизиқтириб келмоқда.

Нуробод шаҳридан келганда қишлоққа қирилар экан, узоқдан кошинсиз гумбазли бир мақбара, чоғроққина масжид ва мазорот кўзга ташланади. Мазоратнинг ҳар жой-ҳар жойида катта санъаткорлик билан ишланган қабр тошлари учрайди. Масжиддан мақбара томон бораётган йўлда эса зилол сувли булоқ ва унинг атрофида дарахтлар бўлиб, бу жой сокин бир оромгоҳни эслатади.

Масжид унча катта бўлмаса-да, ўрта аср меъморчилик санъати талаблари асосида қурилган. Катта эшикдан кирилганда, тўрда меҳроб, ўнг қўлда ғиштдан қилинган минбар, майдоннинг усти эса — анъанавий гумбаз шаклида ҳозир масжид биноси таъмирланмоқда.

Мазоротнинг шарқий-шимолий томонида кошинсиз, гумбазли мақбара мавжуд. XI аср охири ва XV асрда қурилган мақбараларнинг айримлари бизгача етиб келган. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги Шоҳи Зинда туркумида. Гўри Мир мақбаралари. Шунинг билан бир қаторда Гўри Мирнинг шимолида жойлашган ҳамда ўша давр машойих ва олимларидан бири бўлмиш Бурҳониддин Соғаржий дафн этилган қабр устида қурилган, ҳозир Руҳобод номи билан машҳур бўлган мақбара гумбази эса кошинсиз. Демак, фақат XIV аср охири ва XV асрдан бошлаб, иморатлар, жумладан мақбараларни кошин билан безаш кенг ёйилган. Бу даврдан олдинроқ бино қилинган иморатлар, жумладан мақбараларда эса кошин унча ишлатилмаган.

Биз сўз юритаётган Остона бобо қишлоғидаги мақбара ҳам ана шу анъана (кошин билан безаш) кенг ёйилгандан олдинроқ, яъни XIV аср ўрталарида қурилган бўлса керак. Бундай тахминга яна бир асос ёки далил борми? Мақбара унча ҳашаматли ва баланд бўлмаганлиги туфайли унинг ичига кирилса, қоронғудек туюлади. Ичида учта тош (бўйи 1,5—2 метр; баландлиги эса 50 см.га яқин) бор. Уларнинг атрофида арабчада нафис битилган ёзувлар мавжуд. Ана шуларни кўздан кечириш кўпгина муаммоларни ечишнинг асосий калитидир.

Биз Хўжа Зулмурод масжиди имом-ҳатиби ҳожи Мустафоқул Меликзода билан ўша ёзувларни кўздан кечириб, айрим маълумотларни аниқлашга уриндик. Жумладан, мақбара эшигидан кираверишда ўнг томондаги тошда Муҳаммад Аҳмад ал-Маҳмуд номи учради ва у «шайх Худойқули вафот этган йили оламдан ўтди» деган мазмундаги хабар битилган. Мақбара биносининг ўртасида жойлашган иккинчи тошда шайх Ҳожа Маҳмуд номи ёзилган. Бошқа битикларни ўқиш анча қийин бўлганлиги сабабли, биз бу ҳақда кенг тўхтай олмаймиз. Мақбара ичининг чап томонида жойлашган учинчи тошда эса қуйидагиларни аниқлашга эришдик: ҳажга бориб келган Муршид Илёс ибн Муҳаммад, вафот йили аниқланмади, аммо куни 20 шаввол ойи деб ўқилди.

Тахминимизча, мақбарада, авваломбор, ўртада жойлашган қабр пайдо бўлиб, унинг устига тош қўйилган. Тошдаги маълумотга кўра у Шайх Ҳожа Маҳмуднинг қабридир. Унинг ўнг томонига қўйилган тошдаги ёзувга кўра бу қабрда Муҳаммад Аҳмад ал-Маҳмуд деган шахс дафн этилган экан. Ўртадаги қабрнинг чап томонидаги тошда ёзилишича, у муршид Илёс ибн Муҳаммаднинг оромгоҳидир. Шундай экан, бу мақбарада бир хонадоннинг намояндалари, яъни аввал, Шайх Ҳожа Маҳмуд, сўнг унинг ўғли Муҳаммад Аҳмад ал Маҳмуд ва ниҳоят, Муҳаммад Аҳмад ал-Маҳмуднинг ўғли муршид Илёс ибн Муҳаммад дафн этилганлар.

Бу шахслар ҳақида биз нимани биламиз? Тарихий манбаларда улар ҳақида бирор-бир маълумот учрайдими?

Ушбу саволларга жавоб беришдан олдин яна бир масалага эътиборни қаратмоқ керак. Айтилганидек, мақбаранинг атрофи мазорат бўлиб, унда ҳам турли вақтда қўйилган қабр тошлари бор. Буларни ўрганиш мақбара ва унинг ичида дафн этилган сиймолар билан боғлиқ масалани аниқлашга маълум бир фойдаси тегар деган умиддамиз. Мозоротдаги тўртта катта қабр тошларидаги ёзувларни ўрганганда қуйидагиларни аниқлаш имкониятига эга бўлдик:

1. Мақбарага бораверишдаги қабр устидаги катта тошда Абдувафо ибн Неъмат шайх номи ёзилиб, унинг вафот этган йили 737 ҳижрий йилнинг шаввол ойи. яъни мелодий 1337 йилнинг май ойи деб кўрсатилган.

2. Қабристонда мақбарадан ўнг томонда иккита катта тош бўлиб, бирида Аҳмад шайх номини ўқишга эришилиб, тарихини аниқлаш қийин бўлди. Иккинчи тошда эса, Малик Аҳмад ибн Мирзо Муҳаммад деган шахснинг номи ёзилиб, унинг вафот этган йили (ойи номаълум), яъни 1364—1365 мелодий йил деб кўрсатилган.

3. Тошлардан яна бирида Муҳаммад Маҳмуднинг номи ўқилди, унинг вафоти эса 922 ҳижрий — 1516 мелодий йил деб ёзилган.

Кўринадики, мақбара атрофида сақланиб қолган тошлардан иккитаси XIV асрнинг ўрталарида (1337 ва 1364—65 йиллар) оламдан кўз юмган шахслар қабрлари устига қўйилиб, бу тарих қабристонининг қадимийлигидан гувоҳлик беради. Агар ўша давр таомилига кўра бундай катта ёзувли тошлар обрў ва эътиборга сазовор шахслар қабри устига қўйилиши ҳисобга олинса, унда юқорида эслатилган Абдулвафо ибн Неъмат шайх, Малик Аҳмад ибн Мирзо ҳамда Муҳаммад Маҳмуд ҳам ўз даврида маълум мавқега эга бўлган зотлар эканлиги аён бўлади. Афсуски, ҳозирча уларнинг таржимаи ҳоли ва фаолиятига доир тўла маълумотлар аниқланганича йўқ. Ўйлаймизки, келажакда бу масалага аниқликлар киритилар.

Энди мақбара ичидаги тошларда қайд қилинган маълумотлар билан танишсак.

Мақбаранинг ўртасидаги катта тошда шайх Ҳожа Маҳмуд номи бор. Унинг кимлиги ҳақида ҳозирча тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Аммо баъзи манбалар, масалан, Баҳовуддин Нақшбанднинг шогирди Муҳаммад Порсонинг хожагон силсиласи ҳақида ёзган рисоласидаги қайдга кўра, ҳожа Маҳмуд Анжири Фағнавий тариқатда жаҳрия товуш чиқариб зикр қилиш услубини кенг жорий қилган шайхлардан экан. Бу услуб Амир Кулол вақтигача давом этиб, ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд эса ҳуфия (яширин, товуш чиқармай) зикрни маъқуллаган. Агар шу мақбаранинг чап томонида дафн этилган муршид Илёс шайхнинг ҳам жаҳрия усули тарафдори бўлгани ҳисобга олинса, унда бу маълумот ҳақиқатга яқин келади (бу ном билан XIV аср охирида ёзилган асардир. Унда Муҳаммад Содиқ Шайх тўғрисида гапириб, унинг жаноби Ҳудойқули шайхнинг эҳтиромли авлодидан экани уқтирилади. Шунинг билан бир қаторда жаноби Ҳудойқули шайхнинг эса ҳазрат шайх Абдулҳасан Ишқийнинг кўзга кўринган давомчиларидан эканлиги ҳам уқтирилган.

Шуни ҳам эслатиш лозимки, бу ўринда тилга олинган жаноби Ҳудойқули шайхни XV аср охири ва XVI асрнинг бошларида яшаган ҳазрати шайх Ҳудойдод билан аралаштирмаслик лозим кўринади. Шу шайхни Шайбонийлар ҳам, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам Самарқандда эканлиги вақтида жуда ҳурмат қилганлар. Унинг «Китоб ул-муҳобот» номли асари борлиги эслатилади. Шайх Ҳудойдод 939 ҳижрий — 1532—1533 мелодий йилда вафот этган. Унинг мақбараси Жомбой ноҳиясидаги Ғазира қишлоғи яқинида ҳозир ҳам бор.

Шундай қилиб, Ҳудойқули шайх Ҳофизи Таниш Бухорий томонидан анча машҳур киши сифатида тилга олинади. Афсуски, унинг ҳаёти фасллари (туғилиши, вафоти) ҳақида бирор-бир ишора ҳам қилинмайди. Бу масалани аниқлашда Мулло Салоҳиддин ибн мулло Алоуддинхўжа Эшон — Салоҳиддин Тошкандий томонидан 1908 йилда ёзилиб нашр эттирилган ва ҳозир унинг иккинчи нашри китобхонларга манзур этилган «Темурнома» китоби кўмакка келди. Тўғри, бу асарда келтирилган ҳамма маълумот ҳам узил-кесил ёки аниқ деб бўлмайди. Шундай бўлса-да, баъзи жиҳатларини тушунишда маълум даражада озуқа бера олади.

«Темурнома»да (94 ва кейинги бетлар) Дашти қипчоқда бўлган воқеалар баёнида Ҳудойқули шайх ҳақида сўз юритилиб, шундай ёзилган: «Тўқтемур хон бўлиб тахтга жулус айланди... Ҳудойдод деган азиз, яъни Ҳудойберди, Ҳудойқули ҳам дерлар қипчоқни мусулмон қилуб эрдилар. Аммо хон ҳануз кофир эрди. Шайх Ҳудойқулига кофир бўлса ҳам (яъни Тўқтемур) мухлис эрди. Тўқтемурхон қошига бориб айтдилар: «Мен пиримдан эшитиб эрдим, амири жаҳон вужудга келур, яъни оти Темур бўлур, Ер юзин ва Кун кўзин олур. Сани отинг Темурдур», — деб хонга кишвар-кушойликни, яъни етти иқлимни фатҳ қилмоқни далолат қилдилар... Ўзбекхон Сайид ота жонибидин эрди, Тўқтемурхон Шайх Ҳудойдод жонибидин эрдилар...»

Агар биз бунда номи келтирилган Ўзбекхоннинг ҳукмронлик даври 1312 — 1342 йиллар эканини назарда тутсак, унда бу воқеалар ана шу йиллар орасида содир бўлган бўлиши ва шайх Ҳудойқулининг ҳам бу даврда анча ёшдаги киши бўлгани аниқланади.

Шу китобнинг («Темурнома») бошқа бобида эса (108—109-бетлар) Тўқтемурхоннинг Самарқанддан Бухорога юриши тасвирланар экан Бухоро дарвозаларининг биринг олдида Шайх Ҳудойқулини Хожа Баҳовуддин Нақшбанд (1318—1389) ва Амир Темур билан учраштирган. Бу воқеалар эса Баҳовуддин Нақшбанд ҳаёти даврларига тўғри келса, унда улар 1389 йилга қадар содир бўлган.

Шундай экан, Остона бобо мақбараси ичидаги ўнг томонда дафн этилган Муҳаммад ал-Маҳмуд ҳам 1390 йилгача (шайх Ҳудойқули вафот этган — аниғи номаълум) вафот этган.

Энди Муҳаммад Аҳмад ал-Маҳмуднинг вафоти йили шайх Ҳудойқули вафоти билан тенг дейилиши шундан далолат берадики, шайх Ҳудойқули фақат дашти Қипчоқдагина эмас, балки Моваroуннаҳрда, жумладан ўша даврдаги Самарқанд ва унинг туманларида ҳам маълум ва машҳур бўлган. Шунинг билан бирга Муҳаммад Аҳмад ал-Маҳмуднинг тутган мавқеи ҳам шайх Ҳудойқули мавқеи даражасида бўлган эканки, бу воқеа қабр тошида алоҳида таъкидланган.

Бизнинг гумонимизча, Муҳаммад Аҳмад ал-Маҳмуд ҳаётлиги вақтида отаси шайх Ҳожа Маҳмуд қабри устига тош қўйдирган ва ҳозирги мақбарани қурдирган. Бу эса Амир Темурнинг ҳукмронлиги даврига мос келади. Муҳаммад Аҳмад ал-Маҳмуд вафот этгач, унинг жасадини отаси қабрининг ўнг томонида қўйганлар. Унинг қабри устидаги тошни эса Муҳаммад Аҳмад ал-Маҳмуднинг ўғли муршид Илёс ибн Муҳаммад қўйдирган кўринади.

Бу хонадоннинг вакили муршид Илёс ибн Муҳаммад ҳақида бирор маълумот борми? Шукрлар бўлсинки, бу зот ва унинг ўғли ҳақида, гарчи кўп бўлмаса-да, аммо ниҳоят ишончли маълумот Мир Алишер. Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида келтирилган. Маълумки, ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг бу асарлари Абдураҳмон Жомийнинг «Нафоҳат ул-унс» асарларидан илҳомланиш натижасида майдонга келиб, унда араб ва форс машоиҳ ва мутасаввифлари қаторида биринчи марта туркий халқлардан етишиб чиққан забардаст машоиҳ ва мутасаввифлар ҳақида маълумотлар айтилган. Бу асарда Алишер Навоий туркий халқлар орасидан етишиб чиққан машҳур машоиҳ ва мутасаввифлардан Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ҳаким ота-Сулаймон Боқирғоний, Исмоил ота, Занги ота, Ҳусайн Шайх, Бобо Ҳоким, Бобо Кўкий, Бобо Ҳушкелди, Бобо Ҳасан Турк ва бошқа халқлар ҳақида қизиқарли маълумотларни баён қилган. Аммо, афсуски, Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат»и нашр қилинганда (А. Навоий. Асарлар, 15 томлик, 15 том, Тошкент, 1968 йил) уларнинг ҳаммаси ҳам тўлиқ келтирилмаган. Ана шундай қисқартириш натижасида биз учун зарур бўлган маълумот, яъни Илёс шайх ва унинг ўғли Шайхзода Абдулҳасан тўғрисидаги хабарлар ҳам тушириб қолдирилган. Биз бу маълумотларни истеъдодли матншунос олим Ҳамидхон Исломий томонидан «Насойим ул-муҳаббат»нинг туркий машоиҳлар қисмининг танқидий эски ўзбек ёзувидаги матнини тузатган қўлёзмасидан олиб, муҳтарам мухлисларга манзур этмоқчимиз.

Жумладан, Алишер Навоий муршид Илёс ибн Муҳаммад ҳақида шундай ёзади:

«Илёс шайх-раҳматуллоҳи таоли Муҳаммад шайх раҳматуллоҳи таолининг ўғлидир. Зоҳир илмида бу силсилада ондин олимроқ йўқ эрмиш ва ҳаж давлатиға мушарраф бўлибтур. Арабиятда моҳир эрмиш ва ул тил била сўзлашур эрмиш ва назм доғи айтур эрмиш. Самарқандда Тум (Тим) тоғида сокин эрмиш муборак марқади гўё ҳам анда ўқдур».

Кўринадики, Алишер Навоий Илёс шайхнинг таржимайи ҳоли, сифатлари, араб тилини яхши билиши, шу тилда гапириши, ҳатто шеърлар билганлигини ҳамда унинг Самарқанддаги Тим тоғида (Остона бобо қишлоғи атрофида) яшаши ва қабри ҳам ўша ерда эканини жуда аниқ ёзган. Алишер Навоий бу маълумотни қаердан олган? Бизнингча, Алишер Навоий Самарқандда эканлиги вақтида (1465—1469) турли масалалар билан қизиқиши туфайли бу маълумот ҳам унга маълум бўлган. Шуниси борки, «Силсилат ул-орифин» деб аталган ва Ҳожа Аҳрор Валига бағишланган асарда бу масалага ойдинлик киритувчи бир лавҳа бор. Унда қайд қилинишича, Шайх Муҳаммад Кеший (Навоий уни Кешлик ота тарзида тилга олган) ва Илёс шайх ўртасида баҳс бўлиб, унда Кеший Илёс шайхнинг жаҳрия билан шуғулланганини маъқулламабди. Шунда Илёс шайхнинг муридлари Кешийнинг ўз муршидларига эътироз билдирганидан норози бўлибдилар. Бундан ҳожа Аҳрор Вали хабардор бўлиб, Кешийга зарар етмасин, деб уни ҳимоя қилмоқчи бўлибди Илёс шайх буни эшитиб, Ҳожа Аҳрордан ранжиганини билдириб, Амир Дарвеш Муҳаммад Тархонга — Моваroуннаҳр подшоси Султон Аҳмад Мирзонинг тоғасига хат ёзиб юборган экан...

Воқеанинг бу тарзда бўлиши эса Кешийни ташвишга солиб, Алишер Навоийнинг маълумотига кўра, у, аввал, Хўжа Аҳмад Яссавийнинг зиёратига — Туркистонга бориб, сўнг Чин томон сафар қилиб, ўша ерларда оламдан ўтган.

Булардан кўринадики, Алишер Навоий Самарқанддалиги вақтида Илёс шайхнинг номи бу ерда маълум бўлган ва шунинг учун Алишер Навоий унинг ҳақида ишончли маълумотларни ёзиб қолдирган.

Келтирилган далиллардан шундай хулосага келиш мумкинки, Илёс Шайх XV асрнинг 60-йилларигача ҳаёт бўлиб, кейин вафот этган кўринади. Ўз замонидаги зоҳир илмининг энг донишмандларидан бири эканлиги эса унинг ўша даврдаги катта мавқеидан далолат беради.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»ида Илёс шайхнинг ўғли ҳақида ҳам маълумот беради:

«Шаҳзода Абдулҳасан қалласи страҳу Илёс Шайхнинг ўғлидир. Ҳири шаҳрига етганда ҳазрати маҳдумий наввара марқадуҳу Нуран (Абдураҳмон Жомий) шарафи мажлисиға мушарраф бўлуб, алардин илтифотлар топиб, алар ўз мусаннафотидан бир китоб ва бир жойнамоз ва бир рўпок анга бергандурлар».

Демак, Илёс шайхнинг ўғли шаҳзода Абулҳасан Ҳиротга борганида Абдураҳмон Жомийдан илтифотлар кўриб, туҳфалар олишга муносиб кўрилган экан, бу Илёс шайхнинг Абдураҳмон Жомийга ҳам маълум экани ва унинг ҳурматини сақлаб, унинг ўғлига эҳтиромлар кўрсатганидан далолат беради. Шуниси борки, Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»ни ёзганда (1496) Илёс шайх ҳам, унинг ўғли ҳам оламдан ўтган эканлар. Илёс шайхнинг қабрини Тим тоғида эканини кўрсатган Навоий унинг ўғлининг дафн этилган жойи ҳақида ҳеч нарса демаган.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, Алишер Навоий ўз асарида яна бир Илёс — Шайх Илёс тўғрисида ҳам маълумот берган. У қуйидагича:

«Шайх Илёс... Нур тоғида Моваroуннаҳр мулкида бўлур эди ва донишманд ва солиқ киши эрди... Қабри гўёки ҳамул Нур тағида ўқдур». Бу ҳозир Нур ота номи билан машҳур бўлиб, Навоий вилоятининг Нурота районидаги машҳур ёдгорлик билан боғлиқ маълумотдир. Демакки, Навоий бу ёдгорликдан ҳам ва ундаги донишманд шайх Илёсдан — Нур отадан ҳам хабардор экан.

Буни келтиришдан мақсад, Шайх Илёс билан Илёс Шайхни, яъни муршид Илёс ибн Муҳаммадни аралаштирмасликни эслатишдан иборат.

Энди мавзенинг номи ҳақида бир-икки мулоҳазани билдирмоқчимиз. Ҳозир у Остона бобо деб аталади. Юқорида айтилганлардан маълумки, кўриб ўтилган шайхлар орасида Остона номи билан аталадиган бирорта шахс йўқ. Бу ном қандай пайдо бўлди? Луғатларда «Остона» сўзининг асл маъноси — «бўсаға» тарзида изоҳланса, иккинчидан унинг мажозий маъноси ҳам берилади: «бирор кишининг ҳузури», «зиёратгоҳ». Шундай экан, «Остона бобо» аслида «остонаи бобо» — бобонинг зиёратгоҳи маъносида бўлиб, бу ерда «бобо» деб — Ҳожа Маҳмуд, Муҳаммад Аҳмад ал-Маҳмуд ва муршид Илёс ибн Муҳаммадлар назарда тутилган. Демак, Остонаи бобо — азизу авлиёлар зиёратгоҳи маъносида ишлатилиб, у талаффузда Остона бобо шаклини олиб, бир шахс номига ўхшаб қолган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу ёдгорлик туркуми — мақбара ва масжид Ўрта Осиёда хожагон силсиласи номи билан машҳур бўлган тариқатнинг XIII—XV асрлардаги кўзга кўринган вакиллари шарафига яратилиб, асрлар давомида зиёратгоҳ бўлиб келган. Унда дафн этилганлар ўша даврнинг тарихий сиймолари Амир Темур, Мир Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Хожа Ахрори Валиларга маълум бўлганлар. Ана шуларни назарда тутиб, ушбу тарихий обидани таъмирлаш ишларини жадаллаштириш билан бирга, бу азизу авлиёлар ҳақида тўла маълумотларни қўлга киритиб, уларни кенг жамоатчиликка маълум этиш лозимдир. Чунки у ўтмишнинг бир бўлаги, тарихимизнинг бир саҳифасидирки, уни билмай, мозийни тўғри шарҳлаш ва изоҳлаш мумкин эмас.

Ботирхон ВАЛИХЎЖАЕВ,
республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Сайдулла МИРЗАЕВ,
республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ОНА САЙЁРАМИЗ ОМОН БЎЛСА БАС

САЛМОН ФОРСИЙ ПАЙҒАМБАРНИНГ ДУСТИ ЭДИ. САЛМОН РУШДИЙ-ЧИ?

● Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор Эрон Ислом Жумҳурияти раҳнамоси марҳум Оятулло Ҳумайний фатвосига кўра ўлим жазосига маҳкум этилган, дунёга машҳур «Шайтон оятлари» китобининг муаллифи Салмон Рушдий билан учрашувга «розилик» берганини маълум қилди.

Оятулло Ҳумайний фатвосидан сўнг мана тўрт йилдирки, Исломнинг муқаддас рукнларини ҳақорат қилгани учун ўлимга маҳкум этилган Салмон Рушдийни 24 соат давомида полиция соқчилари қўриқлаб турибди. Маълумки, Салмон Рушдий ва унинг асари, сўз эркинлиги масаласи теварагида айланаётган машмаша Буюк Британия билан Эроннинг муносабатларига совуқлик аралашишига сабаб бўлган эди.

УЛСАМ ҲАМ ЯРАШМАЙМАН

● Рейтер ахборот агентлиги мухбирининг Қуддусдан хабар қилишига қараганда, 80 ёшли Яҳё Авраам деган зот яҳудий 64 яшар завжаси билан ажрашишдан бўйин товлагани учун 1963 йилдан бери қамоқхонада ётибди.

«Розиман» деган бир оғиз сўз айтса, равинлар суди уни озодликка чиқариб юборган бўлар эди.

«Единот ахронот» рўзномасининг аниқлик киритишига кўра, Яҳё Авраам қизига «гўрга борганимдан кейингина ажримга розилик беришим мумкин», деб айтган эмиш.

УКРАИНЛАРДАН ҲАМ ҚАДИМИЙ ДАРАХТ

● Укринформ ахборот агентлиги мухбирининг хабар қилишича, Львов шаҳрига бориладиган кўча ёнидаги насос станциясида чуқур қазиётган ишчилар 15 миллион йил ётиб, тошга айланиб қолган дарахтни топиб олишди.

Украина Фанлар академиясининг Львов табиатшунослик музейи мутахассислари шундай хулосага келишди. Ҳозир антиқа топилма Львов табиат тарихи томоша боғида сақланмоқда. Уни келгуси авлодларга сақлаб қолиш учун эса тупроқдан тозалаб, махсус дорилаш керак бўлади. Қадим замонлардан етиб келган беназир туҳфа украин олимларини, қолаверса, бошқа мамлакат табиатшуносларини ҳам қизиқтириб қўйди.

БУЮК ҲУКМДОРЛАР МОЗОРИ

● Хитой олимлари жангари шоҳликлар даври (эрамизгача бўлган 475 — 221 йиллар)га оид 34 мақбарани топиб олишди. Ушбу кашфиёт Хитой Жануби-ғарбидаги Сичуан вилоятининг Чэнду шаҳрида содир бўлди.

Бой топилмалар маҳаллий Цинлар сулоласига тегишли экан. Маълумки, Цинлар кейинчалик ягона Хитой салтанатига асос солган эди.

«Чжунго жибао» рўзномасининг ёзишига қараганда, хитойлик қадимшунослар топилмани юксак баҳоламоқдалар. Улар эрамизгача бўлган 318 йилда ҳозирги Сичуан вилояти ҳудудида жойлашган Башу шоҳлигини босиб олган Цин шоҳлигининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихини муфассал ўрганишга хизмат қилиши мумкин, деб хулоса чиқардилар.

Топилма бронза, темир ва сопол ашёлар, кўплаб идишлардан иборатдир.

ҚОРАМОЛЛАРНИ СИЙЛАМАГАН БУРОН

● Синьхуа ахборот агентлигининг хабар қилишича, Хитойнинг шимоли-ғарбидаги Цинхай вилоятида узоқ вақт давом этган бўронлар 227 минг бош қорамолнинг ўлишига сабаб бўлди.

Бир ярим мингга яқин одам музлаб қолган ёки талофот кўрган, деб тахмин этилмоқда.

Вилоятда январь ойидан бери қаттиқ қор ёғиши кучли шамол билан қоришиб кетди. Аҳолиси аксарият тибетликлардан иборат бўлган Хуаннань мухтор округи, айниқса, қатта зарар кўрган.

МАРАДОНА ТУРКИЯГА БОРАДИМИ?..

● Аргентина ва Жаҳон футболининг юлдузи Диего Марадона яқин кунлар ичида қардош Туркия майдонларида тўп сурса керак.

«Галатасарой» футбол клубининг раҳбарияти келгуси мавсумда командани кучайтиришга ёрдам беришини илтимос қилганда, машҳур футболчи «нега йўқ дер эканман, «чўнтак кўтарса» ва жамоадаги муҳит мос келса, «Галатасарой» сафида ўйнаганим бўлсин», деб умидвор этди. Умуман олганда, бу таклиф амалга ошиши мумкин: Ҳозир турк футболида юксалиш даври бошланган, қолаверса Марадонанинг ўзи ҳам мухлислар ва ёш тўпсурарлар учун ўйин кўрасатадиган ёшга кириб қолди. Ҳозир Туркияда 29 чет эллик футболчи тўп суради, улар орасида бир неча машҳур ўйинчилар бор.

МАЛИКА БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

● Япония шаҳзодаси Нарухитонинг қайлиғи Москвадаги болалар боғчасида тарбия кўргани, АҚШ ва Японияниг уч обрўли дорилфунунида ўқиганидан сўнг яқинда яна «партага ўтирадиган» бўлди.

Япония ташқи ишлар вазирининг қизи Масака Овада император оиласи аъзолигига муносиб фазилатларни ўзида мужассамлаштириш учун шу йилнинг март ойидан бошлаб маълумотини оширишга киришади.

Масака Овада умрининг қарийб ярмини чет элда ўтказгани учун инглиз ва бир неча европа тилларини билади. У энди анъанавий япон шеърияти, япония тарихи, сарой одоби, япон имлоси ҳаттотлиги каби тўққиз соҳа бўйича ўз билимларини мустаҳкамлаши керак.

КИМ ЗОР, КИМ БЕЗОР

● 2000 йилги олимпиадани Берлинда ўтказишни истовчилар ўз шаҳарларида мухолифларга дуч келишни кутмаган бўлсалар керак.

ГСДПнинг шаҳар парламентидаги гуруҳи раҳбарларининг хабар беришларича, олимпиаданинг Берлинда ўтказилишига қаршилар шаҳар кўчаларида турли варақалар тарқатишмоқда. Унда олимпиадани Берлинда ўтказишга қаршилик кўрсатишга, ҳатто газандалик қилишга даъват қилинган.

● Хитой раҳбарияти эса 2000 йилда Пекин олимпиада соҳиби бўлишини яна бир карра қўллаб-қувватлади.

ХХР раиси Ян Шанкунь ва ХХР давлат кенгаши Бош вазири Ли Пэн ХОК Президенти Хуан Антонио Самаранчага ана шу мазмунда мактуб йўлладилар. Унда, жумладан, «жаҳон аҳолисининг 22 фоизини ташкил этадиган Хитой халқи олимпиада ҳаракатининг ҳам мақсади бўлган тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга, тараққиётни ривожлантиришда ҳисса қўшишга интилмоқда» дейилган.

АВСТРАЛИЯ ОСИЕГА ЯҚИНЛАШМОҚДА

● Австралия Осиё қитъасига ҳар йили тахминан 7 сантиметр яқинлашмоқда.

Австралия геология хизмати ташкилотининг хабар беришича, бу ҳол дунё уммони тубида рўй бераётган зилзилалар натижасидир.

СПИД ВА САРТАРОШЛАР

● Ҳиндистон армияси аскар ва зобитларига кўча сартарошлари хизматидан фойдаланиш man этилди. Энди аскарларнинг соқолини махсус тушунтиришдан ўтган сартарошларгина оладилар.

Бу борадаги буйруқ аскарлар кўча сартарошлари хизматидан фойдаланиб, СПИДга дучор бўлиши ҳоллари кўплаб такрорлангани туфайли чиқарилди.

Маълумотларга кўра, 2000 йилда Ҳиндистонда СПИД касаллигини тарқатувчилар сони 10 миллиондан 25 миллион нафаргача етади. Иллатнинг кенг тарқалишига оддий тиббий озодаликка риоя қилмаслик ғоят сезиларли таъсир этмоқда.

• *Савоб*

РЎЗА

Ислом динининг беш асосий шартидан бири Рамазон ойида рўза тутишдир. Исломдан аввалги динларда ҳам рўза тутиш амр қилинган. Масалан, динлар тарихига кўз ташлаганимизда қадимда кўпгина миллатлар рўза тутишини энг катта ва энг мақбул тоат-ибодат деб ҳисоблаганликларини кўрамиз.

Шу жумладан Миср, Ҳиндистон, Юнон ва Рим халқлари ҳам бошқа миллат, халқ ва элатлар каби рўза тутишнинг инсон сиҳат-саломатлигига етказган жисмоний ва маънавий фойдасини яхши тушунганлар. Бундан ташқари муқаддас китобларда ёзилишича, Нух алайхиссалом бутун йилни рўза тутиш билан ўтказганлар. Довуд алайхиссалом, икки кунинг бирида рўза тутганлар. Тавротда ҳазрати Мусо алайҳиссалом йилда 40 кун, Инжилда ҳазрати Исо алайҳиссалом ҳам йилда 40 кун рўза тутганликлари қайд этилган.

Исломиятда Рамазон ойида рўза тутиш ислом динининг асосий шартларидан бири деб қабул этилади. Бу беш асосий шартлар калимаи шаҳодат келтириш, кунда беш маҳал намоз ўқиш ва рамазонда рўза тутиш, йилда бир марта закот бериш ва умрда бир марта ҳажга боришдан иборатдир.

Рамазон ойида рўза тутиш саҳарда кун чиқишдан олдин ва оқшом кун ботишига қадар яхши ният, ихлос ва ҳамда тоат-ибодат билан бутун кун бўйи ҳеч нарса емасдан ичмасдан ва баъзи жисмоний истаклардан воз кечишдан иборатдир.

Рўза тутиш кимларга фарз қилинган? Энг аввало рўза тутувчи кишининг сиҳат-саломатлиги яхши, балоғатга етган, ақл-ҳуши жойида бўлиши шартдир. Бироқ, ҳомиладор ва эмизикли аёлларга, касалларга, узоқ сафарга чиққанларга Рамазон ойида рўза тутиш шарт эмасдир. Аммо улар бу қарзларини имконият туғилиши билан бажаришлари лозим.

Рўза тутиш учун аввало ният қилиш керак. Рамазон ойида мусулмонларга рўза тутиш ҳижратнинг иккинчи йилининг шаъбон ойида Мадинаи Мунавварада фарз қилинган. Шундан буён мусулмонлар рамазон ойида рўза тутиб келмоқдалар. Бу ойда Оллоҳ-таоло учун қилинган кичик бир яхшилик бошқа ойларда фарзни бажо этиш каби савоб келтиради. Бу ойда бир фарзни адо этиш бошқа ойда 70 фарзни бажо этиш билан тенгдир. Бу ой сабр, чидамлилик ва синов ойидир. Сабр қилганлар охиратда тўғри жаннатга кирадилар.

Мўминлар бу ойда ҳамма билан яхши муҳитда самимий муносабатлар қуришга интиладилар. Доимо ширин сўзлик ила бир-бирлари билан муомалада бўладилар. Бу ойда мўминларнинг ризқи мўл бўлади. Бу ойда рўза тутганларга ифторлик берилса гуноҳлар ювилади. Оллоҳ-таоло бу одамни жаҳаннам ўтидан озод этади. Бу киши рўза тутганларга тенг савоб олади. Тутилган рўзанинг Оллоҳ-таоло томонидан қабул этилиши учун рўза тутган киши ҳеч қандай ёмонлик қилмаслиги, ўзини, тилини, дилини тоза сақлаши шартдир. Шу қаторда рамазон ойида камбағалларга ёрдам қилиш керак.

Динимизда бу ой ҳайр-эҳсон ва ёрдамлашиш ойи деб ҳам аталади. Кимки зарра яхшилик қилса, у ўзига яхшилик қилган ҳисобланади. Рўза тутишнинг фарзлари ҳақида қисқача маълумот берайлик. Рўзанинг фарзи учта: биринчиси ният этилсин; иккинчиси ниятнинг бошланиши ва тугаш вақтини билиш; учинчиси рўзани бузадиган нарсалардан бош тортишдир. Рўза тутиш нафсни ислоҳ этадиган, дилни барча ёмонликлардан сақлайдиган, инсон руҳини мулойимлаштирадиган муқаддас бир ибодатдир. Рўза тутиш ибодатнинг энг машаққатлиси бўлганлиги учун Оллоҳ-таоло «Рўза мен учун бажо қилинган ибодатдир» деб буюрган.

(«Садо» халқаро экспресс-ахборотидан олинди»).

Тўй хат ўрнида

ИҚТИСОДЧИ БЎЛИБ ТУҒИЛМАЙДИЛАР

Халқимиз ҳамиша юртимизга, бутун дунёга истеъдодли зотлар етказиб бергани тарихдан маълум. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистоннинг деярли барча соҳалар, фан тармоқларида кўплаб иқтидорли, зукко мутахассислари, олимлари борки, улар мамлакатимиз равнақига хормай-толмай хизмат қилиб келишаётир. Мен қўйида ана шундай заҳматкаш инсонлардан бирининг 70 йиллик ҳаёт йўлидан айрим қирраларинигина қаламга олдим, холос.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва молия институти жамоалари шу кунларда иқтисод фанлари доктори, профессор Ҳикмат Собиров таваллудининг 70 йиллигини бежиз нишонлаётганлари йўқ. Иқтисод илмининг билимдони, зукко молиячи олимнинг бутун ҳаёти мазкур олий даргоҳлар тарихи билан чамбарчас боғлиқ. 1942 йили Ўрта Осиё молия институтини имтиёзли диплом билан тугатиб, Тошкент вилоятининг турли районларида давлат даромадлари инспектори вазифасида ишлаб юрган Ҳикматжонни институт қошида ташкил этилган аспирантурага таклиф этишди. Бу ерни тугатгач, институтда дарс бера бошлади.

1949 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг иқтисод институти илмий кенгаши мажлисида «Туркистон мухтор республикасининг давлат бюджетлари (1918—1924)» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. У докторлик диссертациясида Ўрта Осиё хонликларининг молияси, Туркистон генерал губернаторлигининг мустамлака бюджети ва Туркистоннинг 1917 йилдан кейинги бюджетларида бу сиёсатнинг давом этиши, Бухоро ва Хоразм республикаларининг дастлабки бюджетлари ва Ўзбекистон Республикаси ташкил қилинган пайтдан 1968 йилга қадар тузилган бюджетларни таҳлил қилиб, 100 йиллик молия тарихини умумлаштирди.

Шуни айтиш керакки, Ҳ. Собиров «Молия: кредит ва пул муомаласи» ихтисоси бўйича илмий иш ёқлаган биринчи ўзбек олими эди. Муаллиф ўз асарида молиянинг халқ хўжалиги ва маданиятнинг барча соҳалари билан боғлиқлигини кўзда тутиб, фақат рақамларга мурожаат қилмасдан, республикамиз ҳаётида юз берган ўзгаришларга иқтисодий жиҳатдан баҳо беришга ҳаракат қилди. Жумладан, урушдан кейинги йилларда Иттифоқ бюджетидан республикамиз эҳтиёжлари учун кам маблағ ажратилиб, даромаднинг улкан қисми эса оборот солиғи йўли билан «Марказ хамёни»га тушиб турганлиги аниқ далил-исботлар билан кўрсатиб берилди.

Ҳ. Собиров кафедра илмий ишларига ҳам катта аҳамият берди. Бевосита унинг раҳбарлигида 5 аспирант муҳим мавзуларда номзодлик диссертацияларини ёқлади. 80—90 йилларда жамоа ходимлари билан ҳамкорликда 5 та тўпламни нашрга тайёрлади.

Ҳикмат Собиров Алишер Навоий, Бобур, Ибн Сино, Фаробий, Аҳмад Дониш, Муқимий ва бошқа кўплаб даҳо шоирларнинг асарларида баён этилган иқтисодий фикрларни чуқур ўрганиб чиқди. «Ўрта Осиё мутафаккирларининг иқтисодий қарашлари» номли бу йўналишдаги илк мақоласи 6 томлик «Всемирная история экономической мысли» китобининг биринчи томида чоп этилди. Олим бу борадаги изланишларини ҳамон давом этирмоқда.

Тошкент Давлат Дорилфунунининг собиқ проректори, домланинг устози Д. Столяров шундай ёзади: «Профессор Собиров ўзбек Қомуси бешигини тебратганлардан биридир». У Қомусга киритиладиган иқтисодий мақолалар тўла сўзлигини тузишни таклиф қилади. Икки ассистент билан тўрт босма табоқ ҳажмида тўла сўзлик тузилиб, шу асосда муаллифларга мақолалар ёзиш учун буюртма берилди. Ҳ. Собировнинг ўзи 150 дан ортиқ мақола билан Қомуснинг 14 томининг ҳаммасига қатнашди. Кейинчалик «Тошкент», «Уй-рўзғор», «Пахтачилик» қомуслари тузишда ҳам ҳамкорлик қилиб, ўнлаб иқтисодий мақолалар ёзиб берди.

Қомусшуносликдан орттирган тажрибаси ҳозирда жуда қўл келмоқда. Маълумки, молия фанлари бўйича ўзбекча ўқув қўлланмалар йўқ. Дарслик яратишнинг биринчи босқичи ҳар бир фан бўйича қомусий луғат яратишдан бошланади. Ҳозир Ҳикмат ака Молия институти ректоратига «Суғурта қомусий луғати» қўлёзмасини топширди.

Ҳикмат ака олийгоҳда истеъдодли ёшларни танлаш ва уларни тарбиялаш борасида ҳам катта тажриба орттирган. У киши 1946 йилдан бери кафедра қошидаги илмий тўгаракка раҳбарлик қилиб келади. Бу тўгарак ҳозирги кўплаб пешқадам иқтисодчи олимлар учун дастлабки илмий-тадқиқот ўчоғи бўлди. Булар орасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти И. И. Искандаров, академиянинг мухбир-аъзоси, университет проректори В. В. Ким, Россия қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир-аъзоси Р. Қувватов, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар Академияси иқтисодиёт институтининг бўлим бошлиғи, Р. А. Убайдуллаева, фан доктори

ва профессорлардан А. Абдуғаниев, О. Олимжонов, М. Зайнутдинов, А. Ортиқов, Қ. Яҳёев, И. С. Реут, Шодмонов, Ғозибеков ва қатор доцентлар, ҳатто амалий ишларда ишлаётган ходимлардан —Молия вазири Э. Боқибоев, унинг ўринбосарлари С. Бузруккўжаев ва А. Гуськовалар ҳам бор.

— Президентимизга хат ёзган ўрта мактаб ўқувчиси иқтисодчи бўлишни орзу қилган экан. Мен унга жамоатчилик асосида ёрдам беришга тайёрман, — дейди у киши. — 1976 йилда «Ўқитувчи» нашриётида «Бошланғич иқтисодий билим асослари» номли дарслик чиқарганман.

Ҳ. Собиров томонидан яратилган илмий асарлар рўйхатида 300 га яқин чоп этилган монография, рисола, мақола, тақриз, таржима ва ўқув қўлланмалари бор. Уларнинг умумий ҳажми 260 босма тобоқдан ошади. Бир сўз билан айтганда бу асарлар — 50 йиллик ижодий меҳнат самараси. Буларнинг кўпчилиги молия, кредит, пул муомаласи масалаларига бағишланган. Шунга асосан кўпчилик ҳамкасбларнинг, Ҳ. Собиров Ўзбекистонда молия фанларининг асосчиларидан бири, деган фикрларига қўшилса бўлади.

Олимнинг юбилейн фақат сарҳисобгина эмас, балки келгуси режаларнинг дебочаси ҳамдир. Ҳозирда молия соҳасидаги илмий изланишлар бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштириш муносабати билан янада кучлироқ аҳамият касб этмоқда. Буни олим чуқур англайди. У баъзан Франция подшосининг маслаҳатчиси, кардинал А. Ришельенинг «Сиёсий васиятлар» китобида келтирилган қуйидаги фикрларини эслаб туради: Молия давлатнинг асаби ва Архимеднинг таянч нуқтасидир.

Ҳақиқатан ҳам ҳозир республикамиз молия соҳасидаги бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ муаммолар бу соҳада чуқур мулоҳаза ва изланишларни талаб қилади. Шу муносабат билан Президентимиз иқтисодчилар олдига солиқ концепциясини яратиш масаласини бежиз вазифа қилиб қўймаган. Ҳ. Собиров ана шу муаммо устида ҳам иш олиб бормоқда.

Иқтисодий муаммолар орасида кўпчиликни қизиқтирган масалалардан яна бири пул муаммосидир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи Ҳ. Собиров узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда пул муомаласи тарихи устида иш олиб бориб, кўплаб архив материаллари йиққан. Шунингдек, иқтисодий фикрлар тарихий ва молия соҳасида дарсликларни яратиш режаси ҳам бор.

Ҳамид ИКРОМОВ.



• *Спорт оламида*

НАЙЖЕЛ ШОРТДАН ҲАР НАРСА КУТСА БЎЛАДИ

ГАРРИ ҚАСПАРОВ ЎЗИ ВА КЎПРОҚ РАҚИБИ ҲАҚИДА

ЖАҲОН шахмат тожи учун шу йил кузда бўладиган матчни ўтказишга кутилмаганда жуда оз шаҳар даъвогар бўлиб чиқди. Испаниядаги кичкинагина Сантяго-Компостола шаҳри арзимаган миқдорда, «Югоскандик» синдикати эса жуда салмоқли — 5 миллион 600 минг доллар мукофот фондини тавсия этди. Маълумки, бу синдикат Р. Фишер билан Б. Спасскийнинг яқинда бўлиб ўтган учрашувларини пул билан таъминлаган эди. Аммо ҳозир Югославияда уруш давом этаётгани боис Белградга муқобил сифатида София шаҳри тилга олинди.

Матч иштирокчиларининг фикрлари мувофиқлаштирилгач, узил-кесил қарорга келинади. Ҳозир эса Гарри Каспаров навбатдаги шахмат жангларига, шу жумладан инглиз Найжел Шорт билан бўладиган матчга тайёргарлик кўрмоқда.

— Шорт жиддий шахсми ёки?..

— Амалда доимо шундай бўлганки, шахмат тахтасида жангарилик қобилиятини намойиш эта олган энг муносиб даъвогарлар чемпион билан бўладиган матчга йўлланма олишган. Бу сафар ҳам шу «қоида» бузилмади. Гап шундаки, у босиб ўтган юксалиш пиллапояларига назар ташлайдиган бўлсак, Шорт шахмат тахтасида сабот-матонатли курашчи эканлигини кўрсатди. Зоналараро турнирдаёқ у сўнгги турда Михаил Гуревичдек кучли гроссмейстерни қора доналар билан енгди. Ҳолбуки, даъвогарлар қаторидан ўрин олиши учун Гуревичга дуранг натижа кифоя эди. Кейин у матч ўйинларида асабий тиғиз ҳолатда ҳамюрти Жонатан Спилменни енгди. Сўнг Борис Гельфанд, Анатолий Карпов ва финалда голландиялик Ян Тимманни мағлуб этди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, даъвогарларнинг финал учрашувларида фақат Ғарб гроссмейстерлари иштирок этдилар. Шундай экан, совет шахмат мактабининг тўла устунлиги (Виктор Корчнойни ҳам шу сафга киритмоқ керак) ҳақидаги гаплар тарихга айланди. Бинобарин, навбатдаги бундай цикл шу мактабда тарбия кўрганлардан бирининг ғалабаси билан якунланишининг эҳтимоли, менимча, энди ҳақиқатга жудаям тўғри келавермаса керак. Жаҳон шахмат тожи учун даъвогарлик қила оладиган кучли шахматчилар сирасига украин Василий Иванчук, белорус Борис Гельфанд, ёш Крамник, албатта Карпов, ҳинд Ананд, америкалик Камскийларни киритиш мумкиндир. Бироқ, тож учун бўладиган кейинги матчлар натижаси хусусида башорат қилиш мен учун ноқулай эса-да, Шорт номзодини ҳам алоҳида тилга олиш керак, деб ўйлайман. Ҳар ҳолда, менинг назаримда, шахмат ҳаётининг маркази Ғарбга кўчаётганга ўхшайди. Ҳозир ҳамма асосий турнирлар ўша ёқда ўтказилаяпти. Бунинг сабаблари иқтисодий масалаларга бориб тақалиши табиий. Шу боис айтиш мумкинки, жаҳон чемпиони билан бўладиган матчда ўйнаш ҳуқуқини айнан ғарблик гроссмейстер қўлга киритгани ҳам мутлақо асослидир.

— Найжел Шортнинг заиф жиҳатлари ҳақида сўрамоқчи эмасман, бунга касбий сир деяйш мумкин. Аммо унинг кучи нимада? Бўлажак матч чоғида жаҳон чемпиони нимадан эҳтиёт бўлиши ёки сақланиши ва нимани ҳисобга олиши керак?

— Кейинги йилларда Шортнинг ажойиб жангари шахматчига айлангани ва айнан шу сифат даъвогарлар баҳсида унга ғалаба келтирганини айтдим. Агар унинг матчларига назар ташласак, рақибларига нисбатан камроқ хато қиладиган бўлса-да, кўп ҳолларда энг мақбул шахмат ечимларини топавермайди, аммо охиригача кураша билади ва тахтадаги вазиятдан имкони борича фойдалана олади. Яна бир хислати борки, ютқазиб қўйганидан сўнг тез ўзини ўнглай билади.

— Яъни у шахмат тахтаси ортидаги ижодкордан кўра кўпроқ спортчига ўхшайди, шундай демоқчисиз-да?

— Балки шундайдир. Гарчи, газеталардаги мақолаларда менинг ғалабани қўлга киритишимни башорат қилишаётган бўлишса-да, қатъий ишонаманки, шундай поғоналарни босиб ўтган ва Карповни ҳам осонгина енган шахматчига нисбатан иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлмоқ керак.

Мен Шортни кўпдан бери биламан. Биз биринчи марта 1986 йилда биринчи партияни ўйнаган эдик. (Ҳозирча ҳисоб менинг фойдамга 10:1, тўрт партия дуранг бўлган). У ўзининг соф шахматга оид обрў-эътибори ва қадр-қимматини мутлақо пасайтирмагани ҳолда, бу хислатларини матчларда муваффақият қозонишга қарата олди. Турнирларда йирик ғалабаларга эришмаган бўлишига қарамай, бизнинг учрашувимизга қадар орадаги ярим йиллик вақтдан у самарали фойдаланди ва бошқа турли мусобақаларда қандай ўйнашидан қатъий назар, бўлажак матчга ажойиб формада келади ва ўзининг бор имкониятларини ишга сола олади.

— Сиз-чи?

— Мен ҳам аввалги матчларим сабоқлари ва орттирган тажрибаларимни ҳисобга оламан ва узоқ муддат оралиғида айрим хатолардан қутилиб қолиш мумкин бўлмаслигини тушунса-да, матчни мендан қандай кутишаётган бўлишса, шундай ўтказишга ҳаракат қиламан. Яна шуни ҳам айтиб қўяйки, ҳамма мутахассислару мухлислар бир овоздан ғалабани фақат бир даъвогарга олдиндан нақд қилиб қўйишадиган яккама-якка учрашувларни жинимдан ёмон кўрамаман. Бу ортиқча руҳий юк, лекин начора...

Яков ДАМСКИЙ.

• *Жиноят жазосиз қолмайди*

«ЭРКИН БОЗОР»НИНГ ЭРКАТОЙЛАРИ

НУКУС БОЗОРИ, ТИЖОРАТ ДУКОНЛАРИДА ҚАРИЙБ 1,5 МИЛЛИОН СУМЛИК МАҲСУЛОТ ҚОНУНСИЗ СОТИЛАЁТГАНИ АНИҚЛАНДИ.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Нукус шаҳар давлат назорати инспекцияси, шаҳар солиқ инспекцияси ва Қорақалпоғистон телевиденнеси ходимлари иштирокида нуфузли гуруҳ ташкил этилиб, Нукус шаҳридаги бозор ва тижоратвосита дўконларида бозор иқтисоднётидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, қонунларимизни ҳам «айланиб ўтишга» уринаётганларни аниқлаш юзасидан текширув ўтказилди.

Аввало, марказий бозорнинг умумий аҳволи санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермаслиги текширув аъзоларининг таъбини хира қилди. Сотув расталарининг ифослиги, бозор майдончаларининг лой-балчиққа кўмилиб ётганлиги, сотув маҳсулотларининг бетартиб жойлаштирилганлигини кўриб, ранжийсан киши. Ахир ҳар қандай шаҳарнинг ҳусни, тартиби ва маданияти, энг аввало, унинг бозорига қараб белгиланишини бу ердаги мутасаддилар наҳотки билишмаса?!

Текширув куни (13 февраль) қандолат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилаётган бозорчиларнинг бironтаси ҳам халат киймаслиги, махсус кўрикдан ўтмаганлиги, торт, вермишель, печенье, айрон ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун руҳсатномаси ва бошқа ҳужжатлари йўқлиги аниқланди.

Иккинчи йилдирки бу ерда халқ тилида «Эркин бозор» деб номланган алоҳида бозор ташкил этилган бўлиб, унда асосан тижоратвосита дўконлари жойлашган. Тўғри, бу ерда ҳамма нарса бор, исталган озиқ-овқатлар ва ноозиқ овқат маҳсулотларини топиш, савдолашиб харид қилиш мумкин. Лекин бу — бозор том маъноси билан тўкин дегани эмас. Чунки ҳар қандай бозорда ҳам ўзига хос ёзилмаган бир қонун, исботсиз қабул қилинувчи бир таъриф борки, буни - харидор ҳам, бозорчи ҳам яхши билади. Бу ерда гап харидор ва сотувчининг ўзаро муносабати, савдо ва муомала маданияти тўғрисида кетаяпти. Лекин бу «Эркин бозор»да олдига ҳар хил маҳсулотларни тизиб қўйиб, калондимоғлик қилаётган тижоратчиларни кўриб ҳайратга тушдик. Ҳа, юқорида айтганимиздек, бу бозорнинг тўкин-сочин эканлигини билдирмайди. Тўкин-сочин, бекаму-кўст бозорда сотувчи «истасанг шу, бўлмаса, йўлингдан қолма» қабилида муомала қилмайди, иложи борича харидорни жалб этишга, молини ўтказишга ҳаракат қилади.

Хўш, бу ерда мавжуд қонунларнинг ижроси, тартиб қоидаларга риоя қилишнинг аҳволи қандай, дерсиз?

Бекпўлат Юсуповга қарашли «Бек» шахсий фирма дўконида бўлганимизда бу ерда савдога қўйилган бир миллион бир юз ўн саккиз минг уч юз тўқсон сўмлик (!) молларнинг тегишли ҳужжатлари йўқлиги аниқланди.

Қудрат Ўрозовга тегишли «Қудрат» шахсий фирма дўконида, айниқса, таажжубланарли ҳолатга дуч келдик. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 240-қарорига биноан республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, вино, ароқ, шампан, пиво, конъяк ва бошқа ичимликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, Вазирлар маҳкамасининг 1991 йил 6 мартдаги қарорида кўрсатилган, аҳолига норма билан тақсимланувчи маҳсулотлар тижорат, шахсий ширкат ва қўшма савдо ташкилотлар томонидан сотилиши қатъиян маън қилинган. Республикамиздан ташқаридан келтирилган маҳсулотлар эса ўша маҳсулотнинг сифати тўғрисидаги сертификат, келиб чиқиши тўғрисидаги ҳужжатлари, харид қилинганлиги ва сотилганлиги тўғрисидаги маълумотнома, божхона декларацияси ва бошқа тегишли ҳужжатлари бўлсагина рухсат этилади. Юқорида айтилган «Қудрат» фирма дўконидан топилган 32 шиша рус арағининг эса ҳеч қандай ҳужжати йўқ. Бу қўлбола ичимликлар Астрахань ароқ заводида ишлаб чиқарилган қопқоқлар билан ёпилган бўлиб, бунинг устига чиқиш муддатлари ҳар хил, ҳатто баъзиларида 1993 йилнинг 30 февраль санаси ҳам кўрсатилган (?!) Сотувчи Гулистон Эшжонованинг айтишича, бу «ароқ»ларни қандай ҳужжатсиз нотаниш кимсаларда сотиб олган эмиш. Бундай ҳолда ичимликларнинг таркиби ва сифатига ким кафолат бера олади?!

Мазкур дўконда текширувчилар қўлга туширган, ҳужжатсиз ва маън қилинган моллар рўйхатида Нукус вино заводидан чиққан 18 шиша «Жасорат» виноси, 120 дона «Банное» совуни, 145 дона бир марта ишлатиладиган малҳам игналар, 100 пачка демидрол дориси, (?!) 5 шиша «Рояль» спирти ва бошқа жуда кўп саноат моллари ҳам бўлиб, уларнинг умумий қиймати 89720 сўмни ташкил этади.

Шунингдек, Пўлат Тожимуродова қарашли «Сан» кичик корхонасидан шу куни 176892 сўмлик, Усматдин Асоматдиновга қарашли «Она ер» шахсий фирма дўконидан 28720 сўмлик, Султон Хўжамберганов-нинг «Сапа» шахий корхонасидан 19430 сўмлик, «Қорақалпоқиндустрия»га қарашли тижорат восита дўконидан (сотувчи Александр Кошлик) 5770 сўмлик, Александр Филимоновнинг «Жўра» шахсий воситачи дўконидан 3355 сўмлик, Бозорхон Камолованинг «Камол» кўп тармоқли шахсий кичик корхонаси дўконидан эса 4110 сўмлик ана шундай маҳсулотлар ноқонуний ҳолда сотилаётганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, жами 1456387 сўмлик маҳсулот қонунсиз, назоратчиларнинг кўзини шамғалат қилиб пуллаётган пайтида қўлга олинди. Булар фақат бир кунда ва биз кўришга улгурганлари, холос. Лекин Нукус шаҳридаги мавжуд 200 та ширкат, 104 та шахсий корхона, 458 та кичик корхоналарнинг фаолияти билан жиддийроқ шуғулланиш учун тегишли ташкилотларнинг енг шимариб ишга киришиш пайти етмадимикин...

Мансур АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллик юбилейи олдидан Бухорода илмий экспедиция ташкил қилинди. Унинг мақсади ҳазрат қадамжолари етган жойларни, у кишининг пирлари ва шогирдлари ётган маконларни ўрганиб, халққа етказишдир.

СУРАТДА: экспедиция аъзолари Баҳоуддин Нақшбанднинг устозлари саналмиш Абдуҳолиқ Ғиждувоний масжидида бўлиб у кишининг қабрларини зиёрат қилишмоқда.

ДИҚҚАТ!

Тошкент станцияси қошидаги тиббиёт билим юртида ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш бўлими очилди.

Маълумот учун манзилимиз: Тошкент вилояти, Зангиота райони, «Ўзгариш» давлат хўжалиги. Тиббиёт билим юрти.

Ўзбекистон фанлар Академияси «Физика-қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси И. Пирматовга онаси

Ойимхон ХУЖАЕВА-

нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзмаишийтехсоз» республика концерни жамоаси Сурхондарё вилоят «Маишийтехсоз» бошлиғи Н. Ҳакимовга онаси

Рўзигул ЖАЛОЛОВА-

нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонаси жамоаси элчихонанинг биринчи котиби У. С. Ражабовга отаси

академик Содиқ Ражабович РАЖАБОВ-

нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Газетанинг ушбу сонига А. Суюнов ва О. Раҳимов навбатчилик қилишди.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ, Эскиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пирмақул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 22.00. Буюртма Г — 131. Тираж 107858. 1 2 3 4 5 6